

# Эркин юрт

Ўзбекистон Халқ Ҳаракатининг расмий нашри  
Мулоқот учун E-mail: [erkinyurt@uzxalqharakati.com](mailto:erkinyurt@uzxalqharakati.com)

#34 15.06.2012

## ҚУРУЛТОЙ МУЛОҲАЗАЛАРИ



Вақт сув каби оқиб кетди. Бир йил бир ой каби ўтди менинг назарим-да... Ҳаракат тузилганда оёқларимиз ерга тегиб тегмай турарди. Чунки биз “араб баҳоридан” илоҳомланган ва унинг эрта ёки индин ватанимизга етиб келишидан шубҳаланмаган эдик.

Орамиздан баъзи шошқалоқлар олти ойда мақсадга эришишимиз мумкинлиги ҳам эълон қилдилар. Кейин билсак, бу олти ойлик муддат уларнинг Ҳаракат сафидаги умрларининг муддати экан. Улар ҳаракатимизга қандай шитоб билан кирган бўлсалар, яна шундай шитоб билан сафларимизни тарк этдилар. Ҳаракат содиқ вакилларининг золим режимнинг фитна ва тазйиқлари ва вафосизларнинг турли –туман ўйинлари натижасида бели букилгандай бўлди. Бугун ўзимизни ўнглаб олдик, алҳамдулиллаҳ. Ҳаракатимизнинг бир йиллик ҳисоботини мана шундай қисқа хулосалашамиз мумкин: аввал ҳаволаниш, кейин эгилиш ва ниҳоят бугун оёқларимизни маҳкам ерга босиб, воқеалик қаршида тик туриш. Биз ҳақимизда бу қандай ҳаракат ўзи, дейдиганларнинг сони бир йилда камаймади, аксинча ортди. Бундай ортиш ҳаракатга бўлган умумий қизиқишнинг ортишига ҳамоҳангдир. ЎХХ ўзбек халқининг миллий ОЗОДЛИК Ҳаракатидир. Худди бир пайтлар Жанубий Африкада Нелсон Манделла, Мьянмада (Бурмада) Аунг Сан Суу Куйи ёки АКШдаги ўтган асрнинг 60 йилларида ирқчи апартаид режимига қарши қора танлилар тузган ҳаракатлари каби ЭРКИНЛИК ҳаракатидир. Бундай ҳаракатларга қўшилганларнинг асосий сифати ўз юртларида ўзгаларга қул бўлишдан иборат эди. Худди шундай ўзбеклар ҳам бугун ўз юртларида ўзгаларга қулдилар. ЎХХ советлар замонида

ўзбеклар ҳам бошқа халқлар каби мустақил халқдир, деган ва бу даъвоси учун умрини гаровга қўйган шоир ва сиёсатчи Муҳаммад Солиҳ бошқараётган бир ҳаракатдир. Ўзбек халқи машҳур ва қадим халқдир. Бу албатта, аввало Жаноби Холиқнинг неъматидир. Аммо халқимизнинг асрлар оша мустабидлик ва жоҳилият ботқоғига ботиб қолгани ҳам бир ҳақиқат ҳисобланади. ЎХХ халқимизни мана шу мустабидлик ва жаҳолат ботқоғидан кутқариш йўлида хизмат ва масъулиятни ўз зиммасига олган ҳаракатдир. Халқимизнинг мустабидлик ва жаҳолат ботқоғига ботирган икки сабаб бор: Булардан биринчиси шахсларнинг ҳавойи нафсларига эргашишлари, иккинчиси эса (биринчи сабаб асос бўлиб) мустабидларга (махаллий хонларга, русларга, диктатор Каримов режимига) қул бўлишидир. Тўғри ташҳис давонинг ярмидир. Демак, биз ҳам тараққий қилган халқлар қаторида ўрин олайлик, дейдиган миллатимизнинг ҳар вакили аввало ҳавойи нафсини жиловлаши (ислоҳ қилиши) ва мустабид ким бўлишидан қатъий назар унга қарши Эркинлик ва Адолат байроғини очиши лозим бўлади. ЎХХ ўз курашида мана шу икки тамалга суянадиган ҳаракатдир, деб биламан. Ҳаракатимиз ўтган даврда (умуман муҳолифат Каримовнинг золим тузумида бўлгани каби) фавқулодда шартларда фаолият олиб боришга мажбур бўлди. Бу шартлар қуйидагилардан иборат: биз сургиндамиз (муҳожирадмамиз), шунинг учун ҳам қонуний, ҳуқуқий ва моддий имконларимиз ниҳоятда чегараланган. Фаолиятимиз жамоатчилик асосида ташкил қилинган. Яъни, маош билан таъминланган ва асосий вақтини ҳаракатимизнинг фаолиятига ажратадиган кадрларимиз деярли йўқ даражада. Бундай фавқулоддийликни янада фавқулодий қилаётган диктатор Ислоом Каримовнинг ўзбек халқига қарши зулм қилишга бўлган “иштахасининг” тобора ошиб бораётганидир.

(Давоми кейинги бетда)

## ЎЗБЕКИСТОНДА КИРАКАШЛАРГА ҚИРОН ЕТДИ

Ўзбекистонда жорий йилнинг беш ойи давомида 5 мингга яқин рейд ўтказилиб, лицензиясиз таксичилик қилган 82 ҳайдовчига нисбатан жиноий иш қўзғатилгани айтилмоқда, дея хабар беради Озодлик радиоси.

(Давоми: 2-бетда)

## ЎЗБЕКИСТОНДА МАҒКУРА ВАСВАСАСИ

Мамлакатимиз ўз тарихи давомида ҳеч қачон бугунгидай йўлсизлик, мақсадсизлик, қоронғулик ва қалтабинлик ҳолатига тушиб қолмаган бўлса керак, халқимиз ҳеч қачон бугунгидай ўзининг идеал ва орзуларини, анъана ва урф-одатларини, ўзаро инсонийлик ва меҳр-муҳаббатни йўқотмаган бўлса керак.

(Давоми: 3-бетда)

## “ҲАҚИҚИЙ ТИББИЁТ”НИНГ ЯНГИ НАШРИ ҚОЗОҒИСТОНДА БОСИЛАДИ

Қуни кеча хушxabар келди: кўпчиликка маъқул келган “Ҳақиқий тиббиёт” китоби Қозоғистонда босиладиган бўлибди.

(Давоми: 4-бетда)

## СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ САЙТИ ХАКЕРЛАР ҲУЖУМИГА УЧРАДИ

Сайтга ҳужум учун масъулиятни зиммасига олган CLONE-SECURITY хакерлар гуруҳи шу йўл билан Ўзбекистон ҳукуматининг аёлларни стерилизация қилиш сиёсатига норозилик билдирганини айтмоқда.

(Давоми: 4-бетда)

## ЗўРАКИ ЁЛҒОНЧИЛИК

Ўтган ҳафтада Ўзбекистон ойинаи жаҳонномаси яна бир кўрсатув намойиш этди. “Дарбадарлик” деб номланадиган бу сафарги фильм ҳам худди илгаригилари каби Ўзбекистон махсус хизматлари томонидан тайёрланган бўлиб, асосан Европа мамлакатларида яшаб келаётган ўзбеклар ва ўзбекистонликларни қоралаб кўрсатишга қаратилган.

(Давоми: 5-бетда)

## ҚУРУЛТОЙ МУЛОҲАЗАЛАРИ

(Давоми: боши 1-бетда)

Бу диктатор Ўзбекистонда шахсий ва ижтимоий ташаббусларнинг (сўз ва фикр эркинлиги, сиёсий, диний, ижтимоий ва иқтисодий эркинликлар, сайлаш ва сайланиш эркинлиги, халқнинг норозилик намойишлари ўтказиш эркинлиги ва ҳ.к) барчасини қатл қилди. Шунинг учун ҳам режим котил режимдир. Бундай катлиом натижасида ЎХХ нинг халқимиз билан алоқа қилиши ва бирлашиши ҳам фавкулдда қийинлашди. Қийинлашди, аммо имконсиз бўлмади. Бутун бу қийинчиликларга қарамасдан халқимиз ЎХХ фаолиятдан бохабар ва бизни шу қийин имконлар чегарасида қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилмоқда. Бундай фавкулддийликни ортирган яна бир омил дунё сиёсати шамолининг диктатор Каримовнинг “кемасини” суздиргани, биз муҳолифатчиларнинг қарвонини эса тизгинлаганидир. Нима қилайлик зоримиз бор, зўримиз йўқ. Қолверса зolimлар қилган ишлари, биз эса қилган ишимиз учун масъулмиз. Фавкулддийликдан гапириш ўзни оқлаш эмас, мавжуд шартларни изоҳлаш эканлигини албатта ақл эгалари биладилар. Фавкулддийликнинг зидди табиийлик ва эркинликдир. ЎХХ шахс ва жамият ҳаётининг бутун соҳаларида мана шундай табиийлик ва эркинликнинг

ўрнатилишини истаиди. Жамиятнинг Фавкулддийликдан табиий ва эркинлик ҳолатини олишида ўтиш даври ниҳоятда муҳим роль ўйнайди. Чунки эркинлик дарвозаларининг очилиши мустабидлик хўрлаган инсонларни довдиратиб қўйиши, бу эса баъзиларнинг чегарасиз эркинлик, баъзиларнинг ўзларига хос ва ўзларига мос эркинлик талаб қилишларига олиб келиши мумкин. Бундай шароитда жамиятда истиқрорни сақлаб қолиш учун халқнинг асосий қисми қўллаб-қувватлайдиган бир сиёсий ташкилот мавжуд бўлиши керак. ЎХХ халқимизни мустабидлик (диктаторлик), жоҳилият ва фавкулддийликдан табиийлик ва эркинлик жамиятига олиб ўтишда масъулият ва хизматни ўз зиммасига олишга ҳозир турмоғи лозим. ЎХХ ўтган бир йилдаги фаолияти мана шундай масъулият ва хизмат шиори остида амалга ошди, деб ўйлайман. Ўтган бир йилда фаолиятимиз асосан ҳаракатимиз ғоя ва мақсадларини инсонларимизга таништириш ва жойларда ҳаракатнинг ташкилотларини шакллантиришга қаратилди. Бу ишда албатта камчиликларсиз, хатоларсиз, тушунмовчиликларсиз бўлмади. Фаолиятимизнинг силлиқина бўлмаганлиги ҳаракатнинг тўғри асосларга қурилгани ва фаолларимизнинг ихлос соҳибларига

эканлигига далилдир. Чунки камчилик маълум бўлгани каби иш бор жойда бўлади, силлиқлик эса диктатор Каримов режимининг сифатидир. Келажакда, яъни бу қурултойдан кейин нима қиламиз, деган савол ҳаракатимиз фаолларининг кун тартибида турган саволдир. Аввало биз зафардан эмас, сафардан масъул эканлигимизни унутмаслигимиз керак. Зафар тақдир масаласидир, сафар эса тадбир, демакдир. Тақдир ва тадбир икки томонлама бир –бирига боғланган ҳақиқатдир. Яъни, улар бир –бирини инкор қилмайди, аксинча умумий ҳақиқатни ифодалайди. Шундай экан, вазирамиз тақдирга таваккул қилиб, тадбирда хикматни оширишдан иборат бўлиши керак. Яъни, ҳаракат ғоя ва мақсадларини тарғиб ва ташвиқотни янада кучайтиришимиз, мамлакатимизда ва хорижда ҳаракатимизнинг илдизларини чуқурлаштиришимиз керак бўлади.

Ҳаракатимизнинг ғоявий ва амалий илдизлари қанчалик чуқур бўлса шунчалик яхшидир. Чунки ҳақиқий халқ ҳаракатидан ижтимоий ва сиёсий бўҳронларга дош берадиган кучда бўлиш талаб қилинади.

**Намоз Нормўмин**  
**ЎХХ Муассислар Мажлисининг**  
**аъзоси ва мувофиқлаштирувчиси.**



киракашлик қилаётгани аниқланган ва улардан 6817 нафарининг иши судга оширилган. Суд қарорига кўра, 6049 кишига маъмурий жавобгарлик қўлланилиб, уларга жами 3216 миллион сўм жарима солинган.

Шунингдек, суд қарори билан 82 нафар ҳайдовчига нисбатан жиноий иш кўзғатилган. Ўзбекистонда 2012 йилнинг 1 январидан “Йўналишли такси

атрофида лицензиясиз “киракаш” бўлган. Иқтисодий ночор аҳволда қолган Ўзбекистон аҳолиси учун кундалик эҳтиёжларни қондиришнинг сўнгги чораларидан бири – бу хусусий машинада киракашлик қилиш.

Аммо яшаш учун давлат тарафидан бирор шароит яратиб берилмагани каби, энг сўнгги чоралар устидан ҳам қаттиқ назорат ўрнатиш сиёсати йўлга қўйилган.

## ЎЗБЕКИСТОНДА КИРАКАШЛАРГА ҚИРОН ЕТДИ

Ўзбекистонда жорий йилнинг беш ойи давомида 5 мингга яқин рейд ўтказилиб, лицензиясиз таксичилик қилган 82 ҳайдовчига нисбатан жиноий иш кўзғатилгани айтилмоқда, дея хабар беради Озодлик радиоси.

Суд қарорига кўра, 6049 кишига маъмурий жавобгарлик қўлланилиб, уларга жами 3216 миллион сўм жарима солинган.

Озодлик келтирган расмий маълумотларда айтилишича, текширув натижасида 7843 нафар ҳайдовчи қонунга ҳилоф равишда

фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳукумат қарори кучга кирди. Унга кўра, йўловчи ташиш билан шуғулланмоқчи бўлган ҳайдовчи лицензия олиши шарт.

Маълумотларга кўра, биргина Тошкентда 1200 дан ортиқ лицензияга эга йўналишли такси фаолият юритмоқда. Аммо бу бир неча миллион аҳоли яшайдиган шаҳар учун ниҳоятда кам.

Норасмий маълумотларга кўра эса, қонун кучга киргунга қадар Ўзбекистон пойтахтида 35 минг

Озодлик хабарида яна келтирилишича, лицензиясиз кира қилган фуқаро энг кам ойлик иш ҳақининг 20 бараваридан 100 бараваригача миқдорда жаримага тортилади (айни пайтда энг кам ойлик иш ҳақи – 62920 сўм).

(Аслида бу жаримадан “қутқарувчи” ягона халоскор – яна ДАН ходимларининг ўзи, Ўзбекистонда давлат ходимлари орасидаги порахўрлик маълум ва машҳур – ЎХХ).

Ушбу ҳолат такроран рўй берса, транспорт воситаси мусодара қилиниб, ҳайдовчи жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин.



Мамлакатимиз ўз тарихи давомида ҳеч қачон бугунгидай йўлсизлик, мақсадсизлик, қоронғилик ва калтабинлик ҳолатига тушиб қолмаган бўлса керак, халқимиз ҳеч қачон бугунгидай ўзининг идеал ва орзуларини, анъана ва урф-одатларини, ўзаро инсонийлик ва меҳр-муҳаббатни йўқотмаган бўлса керак. Мана, неча йиллардир-ки, халқни бу аҳволга солган Ўзбекистоннинг бугунги ҳукумати халқнинг маҳв этилган орзулари ўрнига, худди болага хўрозқанд излагандай, бир мафкура топиб беришга уруниб ётибди. На бирон бир идеали, на мамлакатни бошқариш борасида бирон бир режа ёки лойиҳаси бўлган ҳукуматнинг қандай мафкураси бўлиши мумкин? Ҳукуматнинг ўзи кечагина ўз идеалларини йўқотиб, энди нима қилишни билмай, боши қотган собиқ коммунистлардан иборат бир тўдадир.

## ЎЗБЕКИСТОНДА МАФКУРА ВАСВАСАСИ



Улар демократик қадриятларни, маънавий-диний қадриятларни, урф-одат ва анъаналаримизни инкор этар эканлар, уларнинг ўрнига нима қўйишни билмай; “бизга бир мафкура топиб беринг”, дея аюҳаннос солиб, олим-у, фозилларимизнинг шундоқ ҳам зўрланиб, адо бўлган тафаккурларига яна ҳам қаттиқроқ босим ўтказмоқдалар ва бу билан жамиятда ҳукм сураётган риё, ёлғон, сохтакорлик кайфиятини янада чуқурлаштирмоқдалар.

Ўзбекистонда авж олган мафкурабозлик ўйинларининг яловбардорларидан бири бўлган “Мулоқот” журнали президент И.Каримовнинг “Мафкурасиз одам, жамият, давлат ўз йўлини йўқотади” деган “башорат”ини келтиради.

Ҳолбуки, мафкура излаб топиш ҳақидаги бутун аюҳаннослар ўша йўлнинг аллақачон йўқотиб

қўйилганидан, мамлакатнинг боши берк кўчага кириб қолганидан келиб чиқмоқда.

Каримов ҳукумати йўлини йўқотиб қўйган мамлакат аҳолиси ичида тартибсизликлар бошланмаслиги учун халқни доим етаклаб юрадиган бир мафкура излаб топишни орзу қилмоқда. Бу қандай мафкура бўлиши лозим?

“Мулоқот” журнали бу ҳақда шундай ёзади: “...мафкуравий жараён ўз таъсири билан аҳолининг барча қатламларини қамраб олиши лозим.

Бунинг учун эса, ушбу жараён ташкилотчилари аҳолининг турли ижтимоий қатламларини: миллий, профессионал, руҳий, ёшлик хусусиятларини аниқ билишлари, қолаверса, мафкуравий таъсир аҳолининг ҳар бир табақасининг моддий ва маънавий эҳтиёжига мос тушмоғи лозим”.

доимо бўйни эгик бу бечора режим агитаторларининг юксакроққа боқишга на шуурлари ва на журъатлари етади.

Энг кулгилиси, режим идеологлари “яшаш”га урунаётган мафкура аҳолининг “моддий эҳтиёжи”га ҳам мос тушиши лозим экан. Яъний, бу шундай мафкура бўлиши лозим-ки, аҳоли бу мафкурани нон ўрнида ейиши ва кийим ўрнида кийиши ҳам мумкин бўлсин. Хуллас, Ўзбекистон ҳукумати ўзининг “ўзига хос ва мос йўлсизлиги”га муносиб бир ном топишга умид қилмоқда.

Каримов ҳукуматининг бир мафкура яратишга зўр бериб ётганининг яна бир сабаби ҳақда президент И.Каримовнинг ўзи шундай дейди: “фикрга қарши фикр, ғояга қарши фақат ғояни қарши қўйиб, курашиш лозим... мафкура полигонлари ядро полигонларидан кучлидир... сиёсатда ҳам, ижтимоий ҳаётда ҳам, фанда ҳам вакуум-бўшлиқ пайдо бўлишига йўл қўймаслик керак... агар ўз ғоянг бўлмаса, сенинг юртингда чет ғоя келиб ҳукмронлик қилади” ва ҳақозо.

Фақат фикр айтгани учун, фақат бир ғояни кўтариб чиққани учун минглаб одамларни қамоқларда чиритган, қийнаб ўлдирган, майдонларда оттирган бир мустабиднинг “фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя билан курашмоқчи” бўлаётгани унча ишонарли эшитилмаётган бўлса ҳам, ҳар ҳолда, бу ният эътиборга лойиқдир.

Лекин ҳамма бало шундаки, нормал бир давлат раҳбари фақат фикрга қарши фикр қўйиш билан эмас, балки, фикрга қарши ўзининг амалга оширган реал ишини ҳам қарши қўйиши лозим. Халққа файласуфлик қилаётган “экономист” эмас, балки, ўз масъулиятини тўла англаган ва ишнинг кўзини биладиган раҳбар керак.

Халққа сиёсатдаги, ижтимоий ҳаётдаги ва фандаги вакуум-бўшлиқларни тўлдириб билан машғул бўлиб ўтирган “политработник” эмас, балки, халқнинг қорнидаги, чўнтагидаги ва уйидаги бўшлиқ “вакуум”ларни тўлдиришга қодир бўлган раҳбарлар керак.

Агар шу бўшлиқлар тўлдирилса, Каримов юқорида санаб ўтган бўшлиқларни тўлдириб ўтиришга эҳтиёж ҳам қолмайди. Аммо бу ҳақиқатни тушуниш Каримов ва унинг идеологларига насиб этмаслиги кўриниб турибди.


Юзсизликни қаранг-ки, “мафкура ташкилотчилари” мафкуранинг халқ бўйнига мосланётган, ўлчанаётган бир бўйинтириқ эканлигини яшириб ҳам ўтирмай, бўйинтириқ ясалаётганда нималарни кўзда тутиш кераклигини (миллий, профессионал, ёш хусусиятлари ва ҳақозо) бир-бир санаб чиқадилар.

Халқнинг бўйига қараб, мафкура яшашга бел боғлаган бу шоввозларда мафкура моҳияти нимадан иборатлиги ҳақда ҳам бирон бир тасаввур йўқлиги қундай равшан кўриниб туради. Ўзбекистондаги режим идеологлари мафкура халққа мослаб бичилган бўйинтириқ эмас, балки, халқнинг савиясидан юксакроқда туриб, халқни шу юксакликка чақирувчи бир мақсад, маёқ, машъал бўлиши лозимлигини хаёлларига ҳам келтирмайдилар.

Албатта, мустабид режим олдида

## “ҲАҚИҚИЙ ТИББИЁТ”НИНГ ЯНГИ НАШРИ ҚОЗОҒИСТОНДА БОСИЛАДИ

Кунни кеча хушxabар келди: кўпчиликка маъқул келган “Ҳақиқий тиббиёт” китоби Қозоғистонда босилдиган бўлибди. Муаллиф Алматидаги нашриётлардан бири билан бу китобни кўпайтириш ва унга бўлган муаллиф ҳақларини расмийлаштириш хусусида музокара юритмоқда. Китобда таникли биолог олим Ойдин Солиҳнинг инсон саломатлигини Куръон ва Ҳадисларга асосланган ҳолда яхшилаш, турли касалликлар, жумладан, саратон (рак) дан ҳам табиий воситалар ёрдамида сақланиш йўллари баён қилинган эди. Мухбиримиз муаллиф билан боғланаркан, китобда қандай



ўзгаришлар борлиги билан қизиқди. Доктор Ойдин Солиҳнинг айтиши-ча, китобда Марказий Осиёга боғлиқликларга кўпроқ урғу берилмоқда. Жумладан, табиий доривор ўсимликлардан айнан бизнинг ҳудудда топилиши енгил бўлганларига эътибор қаратилган. Шунингдек, китобга турли ўсимликлар, маъдан (минерал)ларнинг русча ва ўзбекча номланишига оид илова ҳам кўзда тутилмоқда. Янгидан нашр этилган китобда аввалгисидан йўл қўйилган жузъий хатолар тузатилади. Ҳар бир ўқувчига тавсиялар берилади.

Ўз мухбиримиз.  
Жанубий Қозоғистон

## СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ САЙТИ ХАКЕРЛАР ҲУЖУМИГА УЧРАДИ

Сайтга ҳужум учун масъулиятни зиммасига олган CLONE-SECURITY хакерлар гуруҳи шу йўл билан Ўзбекистон ҳукуматининг аёлларни стерилизация қилиш сиёсатига норозилик билдирганини айтмоқда.



Ўзларини CLONE-SECURITY деб атайдиган хакерлар гуруҳи Ўзбекистонда аёлларнинг ҳукумат кўрсатмаси асосида стерилизация қилинаётганига қарши чиқиб, яқшанба кунини Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Тиббиёт порталига ҳужум уюштирди.

Ҳукумат сайтларини ёриб ўтишга муваффақ бўлган ўзбекистонлик хакерлар сайтларнинг бош саҳифасига “Бизни оналаримизни стерилизация қилмаганлар!” деган ёзувни жойлаштирган ва бу талаб остига “CLONE-SECURITY” дея имзо қўйган.

Ушбу гуруҳ номидан Озодлик радиосига келган электрон мактубда Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги сайтига уюштирилган ҳужум тафсилотлари ёзилган:

- Сайтнинг хатолиги электрон почтадан топилди. Сайт администраторининг электрон почтасига тушиб, электрон почта орқали сайт паролини тиклашга улгуриб, Соғлиқни сақлаш вазирлиги сайтига тушдик.

У орқали бошқа сайтларга ҳам доступ олинди. Бу ҳужумдан мақсад, биламизки, ҳозир Ўзбекистонда оналарнинг стерилизацияси кетаяпти. Оммага бу чиқарилмаса ҳам халқ билади бунини. Шу нарса қилинаётгани ҳақида одамларга маълум қилиш ва бу нарсани тўхтатиш мақсадида қилинди. Программистлар бу нарсага четдан қараб тургани йўқ, деган маънода.

Ўзбекистон расмийлари мамлакатда аёлларнинг мажбуран стерилизация қилинаётганига оид маълумотларни муттасил инкор этиб келмоқда.

Айни пайтда, бундай амалиётга мажбурланган аёллар Озодлик, қолаверса бошқа халқаро агентликларга ўз бошидан кечирганларни ҳикоя қилиб келмоқда.

15 май кунини Москвада Россия президенти Владимир Путин билан учрашувда “аҳолимиз кўпайиш суръатлари 1,2 – 1,3 дан ортиб кетмаслиги учун барча чораларни кўраймиз” деган Ислом Каримов “аҳоли кўпайиши суръатлари ортиб кетмаслиги учун” “тарғибот, ташвиқот ва тиббиёт”дан фойдаланилаётгани таъкидлаган эди.

Бу баёнот, мустақил таҳлилчилар томонидан, Ўзбекистонда аёлларни оммавий равишда стерилизация қилишнинг энг юқорида белгиланган режага кўра бораётгани тасдиғи сифатида қабул қилинган эди.



Facebook - [facebook.com/uzxalqharakati](https://facebook.com/uzxalqharakati)



Twitter - [twitter.com/uzxalqharakati](https://twitter.com/uzxalqharakati)



Youtube - [youtube.com/user/turkistontv](https://youtube.com/user/turkistontv)



Обуна - [feeds.feedburner.com/uzxalqharakati/VGpk](https://feeds.feedburner.com/uzxalqharakati/VGpk)



“Одно” - [odnoklassniki.ru/group/52189163487349](https://odnoklassniki.ru/group/52189163487349)



“Мой мир” - [my.mail.ru/community/uzxalqharakati](https://my.mail.ru/community/uzxalqharakati)



Ҳафтанинг ҳар шанба кунини Тошкент вақти билан соат 21-00 да

**turkiston.tv** радиосида “ЭРКИН МАВЗУ”

хафталик дастурини жонли ёйинда тингланг!  
**[www.radio.turkiston.tv](http://www.radio.turkiston.tv)**





Ўтган ҳафтада Ўзбекистон ойинаи жаҳонномаси яна бир кўрсатув намоиш этди. “Дарбадарлик” деб номланадиган бу сафарги фильм ҳам худди илгаригилари каби Ўзбекистон махсус хизматлари томонидан тайёрланган бўлиб, асосан Европа мамлакатларида яшаб келаётган ўзбеклар ва ўзбекистонликларни қоралаб кўрсатишга қаратилинган. Кўрсатув Ўзбекистонда намоиш этиш учунгина мўлжалланлиги, унинг саёз тайёрланганлигидан кўриниб турди. Ундан кўзланган мақсад эса, мамлакат ичкарисида қолаётган фуқароларини хорижга кетмасликга чақириш, ҳукумат сиёсатига нисбатан ғайри кўз қарашларга учиб кетмасликга чақиришдек янграрди. Ким билсин, балки Ўзбекистон фуқароларининг хорижий мамлакатларга ҳаттоки сафар қилишининг ҳам олдини олишдек мақсад мўлжалга олинган бўлса ҳам ажаб эмас. Ахир бу ҳур мамлакат эмас, балки жиноий тўдалар ҳукмронлиги ўрнатилган бир султонлик-ку бу Ўзбекистон! Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари деганда мустақил ахборот тарқатиш манбалари эмас, балки худди нацистлар Германияси давридаги каби Гебелснинг тарғибот машинаси тушунилади. Фарқ шундаки, Германиядаги фашист режими даврида унинг оммавий ахборот воситалари фақат немис халқини алдаган бўлса, Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари эса дунёни ҳам лаққиллатади. Одатда шундай. Лекин бу сафарги яратилган фильм мутлоқ ички аудитория учун мўлжалланибти ва унга “Дарбадарлик” дея ном берилибти. Ажабо, Ўзбекистон телевидениясидаги бу маддоҳлар нима қилаётганларини ўзлари тушунишармикан? Ёлғонни ямламай ютадиган бу телеканал негадир ўз кадр қимматини ўйламаяпти ва ҳар сафар ёлғонлардан иборат видеолавҳаларини намоиш этаркан, ҳаттоки лавҳанинг муаллифи ким эканлигини ҳам ошкор кўрсата олишмайди. Бу каби кўрсатувларнинг Ўзбекистон Миллий Хавфсизлик Хизмати

(МХХ) студиясида тайёрланиши ва шунчаки, телеканалга намоиш этиш учунгина топширилиши Ўзбекистонда бировга сир эмас. Мақсад, халқни ўз эрки учун курашишдан қайтариш, эл ҳақиқатга дуч келганида эса тескари ўгириладиган манкуртларга айлантериш. Мамлакатни йигирма йилдан ортиқ ўзининг оқил ва доно сиёсати билан бошқариб келаётганлиги иддао қилинадиган ҳурматлик Президентимиз Ислом Каримовнинг шарофати ила, Ўзбекистонда ҳамма тарки ватан қилиш орзуси билан яшаяпти. Шундай экан, Европа мамлакатларига ҳам ўзбекнинг қадами етиб қолди. Тараққий этган ғарб мамлакатларида доимий яшаш ҳуқуқини қўлга киритиш кўплаб ватандошларимиз учун орзу бўлиб ҳам қолаяпти. Чунки ватанда яшаш имкони қолмаган! Коррупцион кланлар Ўзбекистони бўлган ватанда айни ўша кланлар истаган одамгина хушбахт яшай олади, шунда ҳам вақтинчалик. Катта клан бўлган Ислом Каримовнинг ғазабига учрагунларигача холос. Хушбахт яшаш шартлари эса оғир: ёлғон сўзламоқ, гиёҳвандлик маҳсулотларини сотмоқ, қийноқлар қўллаш, хушомад қилиб яшаш ва ҳақозо, ҳақозо, инсон қадрини уч пул қилувчи шартлардир. Шу қадрсизликларга кўнган инсонгина пора олиб, ҳам пора бериб кўнгли тўлиб яшаса бўлади. Қолганларга эса марҳамат, Россияда мардикорлик қилиш учун чиқиш эшиклари ланг очиқ. Ҳа демай Ўзбекистонда вақтлик матбуот учун оммавий обуна тадбирлари бошланади. Одамлар ўқиса, ўқимаса ҳукуматнинг тарғибот қуроли, маддоҳларнинг эса нони бўлган вақтлик матбуотга мажбурий тарзда обуна қилинишади. Бунда албатта газетхон учун бир эркинлик бор: у ҳам бўлса Ўзбекистоннинг маддоҳ газеталари орасидан ўзига маъқулини танлаш ҳуқуқи ва шунга кўра, кўпчилик энг арзон нашрларга обуна бўлишга мажбур бўлади. Аммо телеэкранлар қаршисида эса бундай имконият йўқ. Томошобин истаса кўради, истамаса йўқ. Уларни мажбурлаб экран қаршисига ўтқазиб имконлари ҳозирча мавжуд эмас. Ҳали бу қаттол режим ҳар бир хонадонга назоратчи қўйиш қудратига эга бўла олгани йўқ ва шунинг учун ҳам ўзбек телеэфирига мажбурий томошобин топа олмайди. Қандайдир бир тасоддиф туфайлик бундай имкон топилганида ҳам, одамларни бу ёлғон-қўшқиларга мажбурий ишонтериш имкони эса ҳеч қачон

## ЗҲРАКИ ЁЛҒОНЧИЛИК

топилмайди. “Дарбадарлик” фильмидаги ҳақрамонларнинг сўзлаётган ҳикояларига қулоқ солишнинг ўзи одамни уятга қўяди. Фильмда иддао қилаётган опасингиллар Дилором ва Муқаддас Холисовалар, уларни Голландияда қийноққа солишганликларини ва христианлик динини қабул қилишга ундашганликларини таъкидлашади. Аслида эса, кўплаб ватандошларимиз, қолаверса бошқа мамлакатлардан келганлар ҳам Европада ўрнашиб олиш учун христианликни қабул қилишга ҳам тайёр турадилар. Аммо христиан бўлмоқлик бу мақсадга етказолмайди. Афтидан, опа-сингиллар христиан бўлишга ҳам уриниб кўрган бўлсалар керак. Гап шундаки, Европада ким қайси динга эътиқод қилиши бировни қизиқтирмайди. Фалончи христиан бўлмоқчи бўлса буни байрам даражасига кўтариб юборишмайди ва ўз динига хиёнат қилган дея қаралмайди ҳам. Христианликни қабул қилиш Европада қолиш имкони яратади деб ўйлашлик эса хомхаёлдан бошқа нарса эмас. Аксинча, ўзбеклар учун мусулмонман дейиш ўринлироқ бўларди, чунончи мамлакатда мусулмонларга қарши репрессиялар олиб борилаётгани дунёга аён бўлган ҳақиқатдир. “Дарбадарлик” фильми ижодкорлари Европанинг иссиқ мамлакатларида суратга олинган баъзи видеотасвирлардан ҳам унумлик фойдаланиб, тагин уни Швеция дея тқдим этиши этиши эса жуда кулгилик чиқибди. Швецияда икки қаватлик автобуслар бор албатта, аммо уларнинг тепа қисми оччиқ эмас. Чунки бу шимолий кутбга яқин мамлакат ва табиийки, об-ҳаво ҳам шунга яраша. Кейин, Европа мамлакатларида кўчларда кимдир бировнинг пойафзалини тозалаб турган манзара эса мутлоқ кузатилинмайди. Одамлар ҳаттоки ўз пойафзалларини ҳам тозаламайдилар. Шунчаки, янгисини сотиб олиб қўя қолишади. Буни дунё кўрмаган ўзбек журналисти тушуна олмаслиги ҳам табиийдир. Швеция кўплаб ўзбекистонлик қочқинларга бошпана берган мамлакат. Айниқса ислом динига эътиқодда бўлганлиги учун тарки ватан қилишга мажбур бўлганларнинг кўпчилиги айни мана шу Скандивия ярим оролидаги мамлакатда қўним топган. Ўзбекистон ҳукумати террорчи деб эълон қилганларни Швеция ҳимоя қилиб келмоқда.

(Давоми кейинги бетда)

## ЗҶРАКИ ЁЛҒОНЧИЛИК

(Давоми: Боши олдинги бетда)

Фильм муаллифлари “пул топиб ақл топмаган” дея эълон қилган Боҳодир Тошмуҳаммедов Тико русмлик машинасини сотиб хорижга кетганлиги иддао қилинибди бу фильмда. У Швецияда яшарди. Пойтахт Стокгольмда ва Ренкебю деб номланадиган ҳудудда истиқомат қиларди. У кўпчилик бошпана изловчилар қаторида (швед тилида asyulsökande) Швецияда яшади ва қора ишлади. “Қора ишлаш” дегани эса – солиқ тўламай ишлашни англатади. Швецияда ишлаш ҳуқуқини қўлган киритмаганлар давлатдан ёрдам пули олиб, тагин бирор жойда игшлаб ҳам пул топишади ва бу қонунбузарлик ҳисобланади. Анчагина пул ишлаб олган Боҳодир Тошмуҳаммедов

бундан уч йил илгари Ўзбекистонга қайтиб кетганди. Унинг аллақандайдир “тоғанинг” уида бўлиб диний экстримистик, сепаратистик суҳбатларга гувоҳ бўлгани ҳам худди бошқа сўзлари каби ғирт ёлғондан бошқа бирор нарса эмас-лиги кундай равшандир. Ўзбекистон деган юрт ёлғонларга кон юрт. Чунки унинг ҳукмдорининг тулкидан дарс олган ва бошқаларни ҳам ёлғонлар тўқишга ундайди. Шу йилнинг 6 февраль кунда Швеция Қироллиги ҳудудларидан Ўзбекистонга 9 нафар унинг фуқаролари депортация қилинганди ва бу ҳол анча шов-шувга ҳам сабаб бўлди. Бу депортациянинг илгаригиларидан фарқи шундаки, полиция Стокгольмдан бир самолетни ижара қилиб 9 нафар

Ўзбекистонликни Тошкентгача олиб борди ва чегаранинг ўзида-ёқ уларни МХХ ходимлари “кучоқ очиб” кутиб олишди. Айни мана шу депортация қилинганлар эндиликда Ўзбекистон телеканаллари орқаик хорижга томон тухмат тошини отишаяпти. Улар шунчаки эрмак учун отмаяптилар, балки ёлғончи ҳукуматнинг талаби билан зўраки ёлғончига айланишмоқда. Фильмдаги бу “дарбадарларнинг” бу даражадаги аччиқ қисматларига эса фильм ижодкорларининг ўзлари ҳам ишонишмайди. Лекин начора, замона зўрники, томоншо кўрники экан. Зўравон ҳукуматимиз бугун ўзбеклардан ёлғон сўзлашни талаб қилмоқдами, ўзбекларимиз ёлғон сўзлаб берадилар.

**Тўлқин Қораев**  
**Швеция**

Маҳаллий ҳокимият билан фуқароларимиз ўртасида юз бераётган турли ҳил қарама-қаршиликлар ва низоларга барҳам бериб, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида, масалани тўғри ва ҳолисона ҳал қилиш йўлларини излаб топишга ҳаракат қилмоқдамиз. Аммо... Лекин маҳаллий ҳокимият органлари фуқароларнинг арзини эшитишни хоҳламаяптилар... Масала нимададан иборат эканлиги билиш мақсадида, фуқароларнинг ўзлари билан суҳбатлар олиб бордик.

“Мен 2009 йилнинг февраль ойида, Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.А.Каримовага шикоят ариза билан мурожаат қилдим.. Ушбу шикоят аризада, кизим Тиллаева Ирода иккинчи гуруҳ ногирони, ёлғиз она, бир нафар фарзанди билан яшаши учун, Бойсун тумани “Мустақиллик” маҳалласига қарашли бўлган, кўп қаватли бинолардан бир хонасини ажратиб беришларини сўраб, мурожаат қилгандим.

Шикоят ариза Президент девонхонасидан, Бойсун туман ҳокими Панжи Тангирев Қобиловичга 2009 йилнинг 3 февраль куни Т-18 сонли хат билан келиб тушган. Ҳоким аризадаги вазларни ўрганиш ўрнига бир овоздан, менга оғзаки равишда, “Это Ваша проблема! Меня не касается!” Бу Сизнинг муаммонгиз! Мени қизиқтирмайди!” деб аризага бир ёклама ёндошиб, туман ҳокимининг биринчи ўринбосари, Бахтиёр Шоимкулов номидан жавоб бердилар.

Бундан ташқари, кизим ва неварам Ислонбекни уй-жой билан таъминлаш иложи бўлмаса, ер ажратиб беришларини сўраб, яна ҳокимга ариза билан мурожаат қилдим. Ҳоким П.Тангирев эса, “Хорошо, дед, Вы мне уже надоели...” деб жавоб бердилар.

Орадан беш ой ўтгандан сўнг, яна ҳоким билан юзма-юз учрашиб, “Менинг ер сўраб, Сизнинг номингизга ёзган ариза нима бўлди? Қачон жавоб берасиз?” деб сўрагандим, “хорошо” деб жавоб қилдилар.

Учинчи марта, яъни 2011 йилнинг 4 март куни Бойсун туман прокурори Шухрат Мавлонович Мавлоновга, “2011 йил Ўзбекистонда “кичик бизнес ва тадбиркорлик йили” шу мунсабат билан ўз хондонимга яқин бўлган ердан савдо нуктасини ташкил

турар жойгача бўлган масаофа 3,6 мни ташкил қилиб, шундан 1,20 м пиёдалар йўлакчаси мавжуд, турар жой биносининг орқа томонидан ўрта босимли газ қувири ўтган. Туман комиссияси томонидан ер майдонига савдо дўкони биноси қурулиши архитектура ва шаҳарсозлик талабларига зид ҳолда қизил чизиққа чиқишини ҳамда қурулиш йўл худудига чиқишини ҳисобга олиб, савдо дўкони биноси қуруш мумкин эмаслигини билдиради”. деб жавоб берибди.

Мен жавоб хатини олгандан сўнг, туман архитектура идорасига бориб, мутахассислар билан

учрашиб, суҳбатлаш-ганимда, улар менга собик Совет Иттифоқидан қолиб кетган, “Байсунский районний генплан» деб ном билан юритилган, 1982 йилда тасдиқланган харитани кўрсатдилар.

Мен уларга бизнинг “Мустақилликка” эришганимизга ҳам, 20 йил бўлмоқда, ҳозиргача шу “план” билан иш юритаёсизларми?! десам, “Ҳа, иложимиз йўқ. Шу план билан ишламоқдамиз” деб жавоб берди туман архитектура мутахассислари. Шундан сўнг, туман Ҳокими П.Тангиревга яна оғзаки равишда мурожаат қилдим. Туман ҳокими яна шу сўзини такрорлади. “Хорошо, хорошо, хорошо” Ҳоким жаноблари менга нимадир демоқчилар-у. Аммо... Мен у кишининг тилларига ҳеч тушунаолмай сарсонман. Ҳоким П.Тангиревнинг “хорошо” деб айтган сўзларини кейин тушуниб етсам, “Хорошо” дегани, «не сделаю» дегани экан” дейди биз билан суҳбатлашган 80 ёшдаги отахон, Хабиб ака Тиллаев..”.

**Мансуржон Фозилов**  
**мустақил журналист**

## БОЙСУН ТУМАНИ ҲОКИМИ ҚАЙ ТИЛДА СУҲБАТЛАШАДИ?




қилмоқчиман, шунга амалий ёрдам беринглар..” деб ариза билан мурожаат қилгандим, туман прокурори эса, аризама 11.03.2011 йил 24-11 сон хат билан туман ҳокимлигига юборибди.

Туман Ҳокимининг биринчи ўринбосари Бахтиёр Шоимкулов номидан 2011 йилнинг 22 март куни Т-68 сон билан жавоб хати келди. Хатда, “Туман комиссияси томонидан ўрганиб чиқиб, Сизга қўйидагиларни маълум қиламиз, Ю.Қодиров маҳалласида жойлашган Сизга тегишли турар-жой биноси С.Айний номли кўчанинг четидан



## ҚИЗИЛ АЖДАР ЎЗБЕКИСТОНГА КИРМОҚДА

Президент Ислом Каримовнинг Хитойга сўнгги ташрифи мобайнида савдо-сотик, нефть-газ ва Ўзбекистонга Шинжон-Уйғуристонидан поезд йўли келтириш ва Навоийдаги халқаро ҳабга уланишга оид ўнлаб шартномалар имзоланган.



Мутахассислар жами келишувлар нархини 5 миллиард АҚШ долларидан кўпроққа баҳолашмоқда. Хуллас, шу пайтгача “Қизил Юхо” кириб келолмаган Ўзбекистон ҳам ниҳоят шаркка қараб дарвозаларни очаётган кўринади. Хитой аллақачон Ўзбекистон ва Туркменистон газини, Қозоғистон нефтини олмақда. Ўз аҳолиси учун керакли озиқ-овқат етиштиришга ер топа олмайдиган Тожикистонда аллақачон кўплаб унумдор ер майдонларини Хитой юзлаб йилга ижрага олган. Қирғизистон эса бутунлай Хитой улгуржи моллари тарқатиладиган бозорларга саҳна бўлди. Аммо Пекин таъсири энди Ўзбекистонга ҳам ёйилмоқда. “Хитой сармоядорлари ва банклари Ғарб каби қийин шартларни қўйишмайди, давлатдан кредитларини

қайтариш қафолатини талаб қилишмайди” – дейди иқтисодий таҳлилчи Анвар Хусайнов – “Улар ўзлари кредит бериб, анча арзон нефт ё газ қазувчи ускуналарни ҳам, бошқа саноат жиҳозларини ҳам тақлиф этишмоқда”. Яқинда эса Ўзбекистоннинг йирик ҳамкорлари ва сармоядорлари бўлмиш Россия ва Жанубий Кореяни Хитой ортда қолдириши мумкин, деган фикрлар бор. “Ўзбекистондаги Россия савдо палатасида икки-учта одам ишлайди, Хитойникида эса юзлаб ходимлари бор” – дейди Тошкентдан таҳлилчи Анвар Хусайнов. Ўзбек тужжорлари учун Хитой визасини олиш осон ва Ўзбек тужжорлари сўнгги йиллари Хитойдан ҳаво орқали йирик миқдорда мол келтириш учун шароитлар ўнғайлигини айтишади.

Бугун яхши, эртагачи? Хитойнинг кириб келиши анча камбағал Марказий Осиёда бугун хуш қаршиланиши мумкин. Чунки янги иш ўринлари яратилмоқда. “Қорақалпоғистонда хитойликлар тузли денгиз тубида ҳам ўсадиган шифобахш қизилмия ўсимлиги илдизини ишлаб чиқара бошлашди ва янги корхонада кўплаб одамлар ишлашмоқда” – дейди Анвар Хусайнов. Аммо узок келажакда Хитой таъсири салбий бўлиши мумкин, деган хавотирлар ҳам кучли. “Хитой Ўзбекистонни пахта хомашёси ишлаб чиқарадиган базага ва ўз арзон моллари сотиладиган бозорга айлантирмоқчи” – дейди Тошкентлик ишбилармон – “Илгари Россия бизни шу аҳволга солганди. Энди Хитой шундай қилмоқчи”. “Пахтадан Ўзбекистон яхшилик кўрмаган ва иқтисодимиз тараққий этиши учун ундан воз кечишимиз керак”. Таҳлилчиларга кўра, Ўзбекистон пойабзал ва тўқимачилик саноатлари шундоқ ҳам Хитойнинг арзон оёқ кийимларига дош беролмай қолмоқда. “Ўзбекистон эса ғарб сармояларини жалб этишга интилиб, ўз маҳсулотларини Оврўпога сотишга интилиши лозим” – дея хулоса қилади Анвар Хусайнов – “Акс ҳолда, эртага Ўзбекистоннинг тетапоя қилаётган бошқа саноати, мева-сабзавот қайта ишланадиган ва бошқа анъанавий соҳалари ҳам Хитой билан рақобатга дош беролмай қасодга учраши мумкин”.

**bbc.uzbek**

2010 йилнинг 10 июн куни, Қирғизистоннинг жанубида жойлашган Уш шаҳрида ўзбеклар ва қирғиз ўртасида қонли низо чиқди. Уш улкан бир гулханга айланди. Бу гулханда нафақат уйлар, балки, тирик инсонлар ҳам ёнди. Қанча қанча тақдирлар куйиб кул бўлди. Миллатимизнинг ёш гудаклари, қизлари ва қариялари бу шафқатсиз оловнинг домида қолдилар. Марказий Осиёнинг қоқ марказида бошланган миллатлар аро низо авжга чиқиб, Уш ўзбеклари тириклай ёқилаётганида Тошкентда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти иштирокчилари ўз анжуманларини бошлашган эди. Саммит ишида қатнашаётган казо казоларнинг биронтаси, ўз ораларида савлат тўкиб ўтирган Қирғизистон муваққат ҳукумати раҳбари Роза Утинбоевадан жиддийроқ бир тушунтириш талаб қилмади. Дунё матбуоти бу ҳақда шовқин сурон кўтаргачина саммит иштирокчилари ўзларининг якуний баёнотида Қирғизистон жанубидаги воқеалардан ташвишқанлигини билдирди холос. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг ушбу вазиятдаги хатти ҳаракати ҳозиргача тушунарсиз. У Ушда рўй бераётган хунрезлик Қирғизистоннинг ички иши, деб

## ЎШЛИК ҚОЧҚИНЛАР НИМА ДЕЙДИ?

эълон қилди. 12 июн кунидан бошлаб Қирғизистон жанубидан ўзбеклар қоча бошлади. Ушда юз берган вахшийлик кўлами шу қадар катта эдики, Ўзбекистон ҳам у ердан қочган ўзбекларни вақтинча қабул қилиб олишга мажбур бўлди. Бироқ, бир неча кун ўтиб, Каримов қочқинларни Ушга қайтариш ҳақида буйруқ берди. Мана 2 йилдирки, Қирғизистон жанубидан қочиб чиқаётган ўзбекларнинг қатори узилмайди. Уларни бугун Европада, АКШда ва Россия шаҳарларида учратиш мумкин. Уларнинг аксарияти ватанга қайтиш умидидан воз кечишган ва БМТнинг қочқинлар масаласи бўйича шуғулланувчи комиссарлари идораларига ариза топширишган. Бундан бир йил олдин Туркияда қочқинлик мақомини кутиб яшаётган ўшликлар билан учрашиб, видеолаваха тайёрлаган эдим. Ушанда уларнинг жуда ҳам ночор ва қийин шароитда яшаётганликларига гувоҳ бўлгандим.

Туркиядаги БМТнинг идораси негандир ўшлик ўзбеклар ишига унчалик эътибор бермаётгандек кўрингани кўзимга. Уш

қирғинининг 2 йиллик санасида, мен яна бир бор Туркияда ва Тожикистонда жон сақлаётган ўшлик ўзбеклар билан мулоқотда бўлдим ва уларнинг бугунги ҳаётлари билан қизикдим. Сухбатдошларимизнинг баъзилари исмини очиклашни истамади, баъзилари эса бунга рози бўлди. Шундай қилиб, Туркистон радиосида, “Уш ўзбеклари билан сухбатлар” радио дастурини тингланг. Бизнинг бугунги, 10 июнда эфирга узатилган биринчи дастуримизда Кахрамон исмли ўшлик қочқин билан сухбатимиз берилган. <http://soundcloud.com/turkistontv> Хурматли радио тингловчилар. Эртанги дастуримизда, Тожикистондан панох топишган ўшлик ўзбеклар ҳаёти ҳақида сухбатни тинглайсиз. Дастуримизда шунингдек, “Одил судлов ва ҳақиқат” ҳуқуқ химояси ташкилоти раҳбари, ўшлик машхур ҳуқубон, шу пайтгача Қирғизистон жанубида фаолият кўрсатиб келаётган Равшан Гапировнинг аччиқ ҳақиқатларини ҳам тинглайсиз. Дастурларимизни кузатиб боринг.

**Улуғбек Хайдаров**



Равшан Гапиров

## БУ ЕРДАГИ ҚОНҲЎРЛАР КИМЛИГИНИ ДУНЁ БИЛИБ БЎЛДИ-КУ АХИР!

Жабрдийда ва аламзада Ўш бағридаги жароҳатларга икки йил тўлди. Бироқ, бу жароҳатлар ҳамон қонгалаш... Хамманинг кўнглида бир ўй: Нима қиламиз энди, яна аввалгидек яшаб кета оламизми?

Ўш шаҳридаги “Адолат ва ҳақиқат” Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш марказининг раҳбари Равшан Гапировнинг кўнглига қўл солишимиздан мақсадимиз ҳам аслида ана шу саволларга жавоб топиш эди. Мен у кишига учтагина савол бердим. Жавоблар лўнда, дангал ва аччиқ бўлди.

**Улғбек Хайдаров:** Ўш воқеалари бўлиб ўтганига мана 2 йил тўлди. Шу давр мобайнида Сиз ўша ерда фаолият кўрсатаяпсиз. Бугунги вазият қандай? Маҳаллий ўзбекларнинг ҳаётларида қандай ўзгаришлар бор?

**Равшан Гапиров:** Ёзганларимнинг кўпида эслатиб ўтганимдек, июнь уруши икки миллатнинг уруши эмас, аксинча, дўст бўлиб яшаб турган халқларни уриштириш учун, қирғиз ҳукумати атайин 3 йилдан охиқ муддатда тайёргарлик қилиб, кейин урушни бошлашган. Масалан: 2006 йилнинг ўрталаридан бошлаб, “Қирғизистон” дан “стон” ни олиб ташлаш керак, нима, биз гўристонмизми, “Қирғиз мамлақати” бўлиши керак, деб шу масалани кўтариб чиқишгандан бошланган. Ўшанда мен ҳам, “Агар Қирғиз мамлақати деб аталса, унда қолган миллатлар нима бўлади, улар, жумладан мен ўзбек ҳам, йўқ бўламизми, нима биз қўланкамизми” деб гапирганман ҳам, ёзганман ҳам. Аммо, мендан бошқа ҳеч ким бу тўғрида гапирмаган. Бу масала аризмас нарсаса ўхшагани билан, секин аста оддий қирғизларга, “Бу юрт қирғизлар ери, улар хўжайин” деган тушунчани олиб келди. Шунингдек, ҳукумат қорхоналарида, ҳуқуқ ҳимоя органларида ҳам, “ер қирғизники, бошқалар меҳмонлар” деган тушунча пайдо бўлди. Ойлар, йиллар ўтган сари, “Қирғиз хоҳлага-нини қилади, бошқалар эса, уларга бўйсунушади” деган ишончга айланди. Шу тариқа 2009 йилнинг бошига келиб, айниқса ўзбеклар кўчаларда бемалол юролма қолишди. Милиция ҳодимлари ушлаб,

очикдан очик пул талаб қилишиб, “қирғиз ерида яшаб, ишлаб юрганинг учун пул тўлайсан, агар ёқмас, ана Ўзбекистон” дейдиган, бу сўзни оддий қирғизлар ҳам айтадиган бўлишди. Ўзбек такси ҳайдовчиларни ёллаб кетишиб, пул бермай уриб ҳайдаган ҳоллар кўп учраган. Ҳаттоки, ҳайдовчини ўлдириб, автомобиллини олиб кетган ҳоллар ҳам бўлган. Масалан: - Мамажанов Махамадрасул, 1957 йили туғилган. Уни 10 апрель 2009 йили икки қирғиз йигити ёллаб, “Хундай-Портер” автомашинасида

олиб кетишган. Жалолобод шаҳри тарафга боришганда, уни ўлдиришиб, автомашинасини олиб кетишган ва пулга алмаштириб юборишган. Улар 20 кунда қўлга тушишган, аммо, судлари 08.07.2011 йили бўлиб, иккала қирғиз йигитлари ҳар бири 7 йилдан қамок жазосига Ўш шаҳар суди тарафидан ҳукм қилинган. - Ўша вақтларда, менинг амаким Абдуғофуров Иминжон, 1941 йили туғилган. Уни ҳам “Мерседес 600” енгил автомашинаси билан ёллаб, Жалолободнинг тоғли жойларига боришганда бошига уришиб, ўлди деб ташлаб кетишган. Эртаси куниёқ қарқчилар қўлга тушган, лекин, автомобиллини олишиб, ўзларини қочириб юборишган. Яна бир амаким Атаханов Анваржон 1948 йили туғилган. Ўш шаҳрининг ХБК шаҳарчасида, куппа кундузида, амаким микроавтобуси билан турган жойида, 4 қирғиз йигитлари (35-40 ёшларда) келишиб, “Сарт бу жойда турма, бу жойда қирғизлар ишлашади” деб, боши – кўзи қолмай уриб - тегиб ташлашган. Қисқаси, 2009 йилнинг ўзидаги шуларга ўхшаш ҳолларни бир чеккадан ёзаверсам, шунинг ўзи бир китоб бўлади. Ўша йили миллатчилик шу даражада ривожланди-ки, мен кўриб туриб, хулоса чиқариб, “1990 йил воқеалари қайталанмади, оз қолди” деб, ҳаммага гапирганман, ҳам ёзганман. Ҳаттоки, 2009 йилнинг ўрталарида ички ишлар министрининг ўрин босари Раимбердиев Расулбердига кириб айтсам, у “Бекордан ваҳима кўтарманг, акс ҳолда, за панику қамайман” деб, менга пўписа ҳам қилган. У билан урушиб кетишим-га сал қолган. Шунинг учун, А.Ш.Атамбаевнинг илтимоси билан, унинг командасига ёрдам беришга рози бўлиб, биргаликда К.С.Бакиевни тўнгармадикми. Аммо, етишиб пишиб қолган миллатчилик ҳавфи эди. Чунки, Бакиевлар осонликча ҳокимиятни ташлаб кетмасликлари аниқ ва миллатлар урушини чиқаришлари ҳам ақлга тайин эди. Вақтли ҳукуматнинг бепарволиги, менинг маслаҳатимга қўлоқ солишмагани ва Бакиевнинг содиқ хизматкорларини, чунончи М.Мирзақматовга ўхшаганларни

тез орада ишдан олиб, керак бўлса ҳибсга ҳам олманганлари натижасида, улар 2010 йил июнь урушини амалга оширишди. Шу кунларда ҳам миллатчилик давом этмоқда, ўзбеклар қамалмоқда, бир умр қамок жазосига судлашмоқда ва ўзбекларга босимлар ўтказилмоқда. Энди, ўзингиз ўзбекларнинг аҳволларини бир тасаввур қилиб кўринг! Аҳвол оғир ва ҳатарли.

### Улғбек Хайдаров:

Хабарларингизнинг кўп қисмида ҳокимиятга якин туриб ишлайдиган ўзбекларни танқид қиласиз. Шунингдек, халқаро ташкилотлар кейинги пайтда сизнинг танқидингиз нишонидан тушаяпти. Нима учун?

**Равшан Гапиров:** Мен сиёсатчи сифатида ном чиқарган эмасман. Аммо, мамлакатимиз сиёсати билангина эмас, дунё сиёсати билан ҳам кизиқиб тураман. Ҳокимият сиёсатини яхшилаб кузатиб турган бўлсам, уларнинг сиёсати, халқ учун ҳатарли сиёсат эканлигига ақлим етиб турса, уларнинг ҳаром ишларига ёрдам бераётган одамларни мақтайми, айниқса эшшак ўзбекларни? Халқаро ташкилотлар эса, мана шу биздаги бўлаётган ишларга тарафдор бўлиб туришибди. Акс ҳолда, аллақачон бу ишларни, яъни, ўзбекларни қирон қилишни тўхтатиб қўйишар эди. Шунинг учун, бу ташкилотларни ҳам, миллатимиз ҳамда мамлакатимиз душманлари деб ҳисоблайман. Агар Аллоҳнинг розилигини истамаган бўлса, ҳеч ким, ҳеч қандай мамлакат, агар фойда кўрмаса, улар ҳеч кимга бекордан ёрдам беришмайди. Шунинг учун, бировдан ёрдам олаётганда, ўйланиб, кимдан олаётганингизни билиб олишингиз керак. Бу нарсани, бир суҳбатда билса бўлади.

**Улғбек Хайдаров:** Вазиятни ичидан туриб билган таҳлилчи сифатида Сизнинг прогностингиз қанақа: Яна 2 йилдан сўнг биз Ўшда қандай ўзгаришларни кўришимиз мумкин?

**Равшан Гапиров:** Ўзбекистонни И.А.Каримов куч билан ушлаб турибди. Агар у жойидан кетса, ўша кундан бошлаб Ўзбекистонда мансаб талашлик бошланади, чегараларни тўсиш сустлашади ва биздаги қонхўр қирғизларга ҳамла бошланади. Бу жойдаги қонхўрлар кимлигини дунё билиб бўлди-ку ахир. Аммо, яна бегуноҳ оддий ўзбек ва қирғизлар жабр тортишади. Бу, илми ва ақли бор одам учун, шундоқкина кўриниб турган нарсани. Мен сизнинг 3 саволингизга, иложи борича қисқа ва лўнда жавоб беришга ҳаракат қилдим. Ҳақни айтиб, ҳақни айтганим учун ўлсам ҳам, ўлдирилсам ҳам, мен доим тайёрман. Мана шу ёзганларимни, хоҳлаган жойингизга, хоҳлаган йўл билан тарқатишингиз мумкин, бошқа тилларга таржима қилсангиз ҳам бўлади.



## ЖАСЛИҚ ҚАМОҚХОНАСИ ҲАЁТИДАН



### Гулмомо Аширматованинг ўзидан эшитганларим

Жаслик узок. Жаслик қамокхонасида Ўзбекистоннинг барча ҳудудларидан қамалган маҳбуслар ётибди. У ерга поезддан бошқа нарса юрмайди. Мен бу гапни ўзимга ўхшаган бева-бечоралар ҳаменини ҳисобга олиб айтаяпман. Тошкентдан ва Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларидан Жасликқа таксида ёки ўзининг иномаркасида борадиганлар борлигини эшитганман. Йўл узок. Ҳамсўхбат бўлмаса зерикасан. Жасликдаги қамокхонада ётишни ҳеч кимга Худо насиб этмасин.

Охиратда Худо баъзи одамларни ўзининг жаннатига киритар, баъзиларни эса ўзи яратган дўзахига ташлар экан.

Жасликқа тўққиз йилдан бери ўғлимни кўргани боравериб бир хулосага келдим: балки Худо Ислом Каримов кўли билан Жасликда дўзахнинг копиясини атайлаб бунёд этиб қўйганмикин, деб ўйлайман. Агар шундай бўлса, у ҳолда Парвардигорнинг режасини тушуниш қийин эмас: маҳбус Жаслик қамокхонасида бир кун ётса ҳам уни жаннатимга дохил қиламан, Жаслик қамокхонасида ишлаганларнинг ҳаммасини, уни ташкил қилганларни, Ислом Каримовдан бошлаб, прокурорлар, миршаблар, хуфья ташкилот ходимлари, судьяларни эса сўзсиз дўзахга гирифдор этаман, деган бўлса керак, Аллоҳим. Чамаси, юртбоши ҳам, унинг юқорида айтилган итлари ҳам Жаслик қамокхонасини ташкил қилаётганларида охиратдаги дўзах азобини бўйинларига олиб шу ишга қўл урган бўлсалар керак. Ё улар Худони умуман танимайдиган одамлармикин? Алоҳимга шукр, узок йўлда, поездда ҳасратингга шерик одамлар учрайди. Гаплашиб кетамиз. Кўришаверганингиздан кейин одамлар бир-бири билан ака-ука, опа-сингилдай бўлиб қолар экан. Баъзан кутилмаган, қувонарли танишишлар ҳам бўлади. Бир жувон икки гўдагани етаклаб олти йилдан бери Жасликқа қатнайди. Гапга ҳадеб аралашавермайди.

Бир марта гап “Озодлик”дан чиқди. Бир аёл: “Озодлик”дан муслимларни энг кўп ҳимоя қилган Толиб Ёқубов деган одам бор эди, негадир 2-3 йилдан бери овозлари эшитилмай қолди. Тинчмикинлар? – деб қолди. Шунда ўша жувон: “Толиб Ёқубов менинг дадам бўладилар” дейиши билан ҳамма хотинлар: “Вой, Толиб ака сизнинг дадангизмилар?” деб ҳаммамиз ўрнимиздан туриб, жувонни бағримизга босиб, қайтадан кўришдик. Исми Озода экан. У “Дадамни танийсизларми?” деб сўради. Биримиз кўйиб биримиз: “Йўқ, танимаймиз, кўришмаганмиз, “Озодлик”да кўп чиқардилар, овозларини таниб қолганмиз” дедик. Поезд Жасликка яқинлашган сари ҳамманинг дилини ғашлик боса бошлайди. Бизнинг ўғилларимиз, эрларимиз, ота ва ака-укаларимиз-ку йиллаб мисли дўзахда ўтиришибди. Уларнинг олдида ўтказган икки сутка кунимиз биз учун ҳам дўзахни кўргандай бўлади. Эй, Худо, Жаслик қамокхонасида ётган бандаларингни ўзинг қўлла, асра ва сабру-тоқат бер! Бир хотиннинг эри ўн икки йилдан бери одам ўлдириш моддаси билан қамокда экан. Суд уни отишга ҳукм қилган бўлиб, кейинчалик ҳукми ўзгартириб, отишни 20 йиллик қамок жазоси билан алмаштирган экан. Бошида у бирнеча йил ҳар хил қамокхоналарда ётгандан кейин, уни эркин кўнимли колонияга ўтказишган экан. Шу жойда колониянинг бошлиғи билан жанжаллашиб қолгандан кейин, уни судлаб Жасликка жўнатишган экан. Ўша хотин айтиб қолди: “Мен кўп қамокхоналарни кўрдим, эрим туфайли.

Лекин Жаслик қамокхонасидай дўзахни кўрмадим. Мен ишонч ҳосил қилдим-ки, бу қамокхона инсон киёфасини йўқотган одамлар ташкил қилишган, ишга ҳам ўзларига ўхшаш инсон киёфасига эга бўлмаган одамларни жалб қилишган. Ҳалиям инсонлар буердаги зулмга чидар экан. Ит зулмга чидамаганини кўрганман. Кўшнимиз итини урадиган, емек ва сув бермайдиган одат чиқарди. Ити коқ суяк бўлиб қолди ва бир кун чиқиб кетибди. Икки йилдан кейин эгаси

тасодифан узокдаги бир хонадонга ошга кирса, ўша хонадонда итини кўриб қолибди, танибди. Отини айтиб чақирса, ити унга қараб ириллабди. Жасликқа етиб борганингдан кейин у ерда навбат кутиб икки суткадан бир ҳафтагача, баъзан ўн кунгача навбат кутиб молхонадан баттар “меҳмонхона”сида ётасан. Ёз кунлари олиб борилган маҳсулотларнинг кўп қисми айниб қолади, ва уни ташлаб юборишга тўғри келади. Навбат келган куни қамокхона автобуси одамларни юку-юкчаги билан қамокхонага қараб олиб жўнайди. Зона Жаслик марказидан 8 км нарида. Ҳамма маш-маша ярим йўлни ўтиб бўлгандан кейин бошланади. Биринчи пост ўша ерда.

Бу постда одамлар олиб борилган нарсалар ўбдон текширилади. Олиб борилган нарсаларнинг ҳаммасини қора юпқа целлофанга солдиришади. Кириб боргунингизча целлофанлар йиртилиб дабдала бўлади. Нарсаларни бирма-бир ипидан игнасиғача текширишади. Аёлларни аёл милиционерлар, эркакларни эркак милиционерлар тўлик ечинтириб “шмон” қилишади. “Шмон” дегани “тўлик текшириш”ни билдирар экан. Уларнинг ўз тили бўлар экан.

Зонага кириш ва чиқишда ҳам қаттиқ шмон қилишади. Киришда ва чиқишда атрофга қарашга йўл қўйилмайди. Сабаби – анча нарида айланиб юришган маҳбусларга кўз тушмаслиги керак экан. Атрофга қарасанг кузатиб келаётган миршаб дарров бақиради. Учрашувга келганлар учрашув хоналарига киргунча бир жойда тўпланишади. “Фалонча билан учрашувга келганлар фалон хонага кирсин!” деб бақиради бир ходим. Кираётган одам маҳбуснинг исми-фамилияси, қайси модда билан неччи йилга қамалганлигини айтиши керак. Зонанинг шароитлари жуда қаттиқ режимда. Ҳар қадамга текшира – текшир. Хонада ишлатишга пичоқ берилмайди – фақат ошхонага чиқиб ишлатиш мумкин. Учрашув хоналарида иссиқ сув йўқ. Хонадаги идиш – товоқларга қараб бўлмайди: синиб кетган пиёлалар, занглаб кетган тарелкалар ва қошиқлар, сири кўчиб кетган ва умуман сири қолмаган сопол товоқлар кўйиб қўйилган. Матрас, ёстиқ, простина ва наволочкаларни айтмаса ҳам бўлади – қараб бўлмас даражада. Борган одамлар ноилоҳликдан шу ифлос идиш-товоқлардан фойдаланишади, шу исқирт кўрпа-ёстиқларни ишлатишадилар. Хуллас, кучукка ишлатиладиган идиш – товоқлар ва сасиб кетган матрас ва кўрпалар. Совет даврида чет эл мамлакатларидаги шароитни: “у мамлакатларда одам одамга бўри” деб таърифлашарди. Ҳозирги Ўзбекистонда шароит ундан-да баттар. Хонада эса ҳаво қирадиган жой йўқ.

(Давоми кейинги бетда)

(Давоми: Боши олдини бетда)

Иккита хона, боши балкон, балконнинг усти тунука шифер билан ёпиб ташланган, хожатхона ҳаммом ичида. Махкумлар учрашувга киргандан кейин умуман коридорга чиқарилмайди. Факат кун давомида уч марта текширув бўлгандагина қисқа муддатга чиқарилади. Бошқа пайти хона ичида. Болалар ўйнаши учун умуман шароит йўқ. Коридорга чикса милициялар “Хонангга кир!” деб бакиргани – бакирган.

Илгари коридорда битта телевизор бўларди, болалар телевизор кўриб, бироз овора бўлиб ўтиришар эди. Икки йилдан бери телевизорни ҳам йўқ қилишибди – бузилган эмиш. Мен икки ой илгари ўғлимнинг олдида бориб келдим. Ишлайдиганлардан Шавкат Вайснийёзов деган золим бор эди. Шу зулмкор ишдан ҳайдалибди. Ўғлимнинг айтишича, ҳамма хурсанд бўлган. Бултур ўша Шавкат Озоданинг эрини ўлгидай қилиб қалтаклаган экан. Толиб аканинг кизи-да, Озода курашади.

Бу воқеани у Шодиевга ёзган экан. Воқеани текширгани зонага Қорақалпоғистоннинг бош прокурорининг ўзи келган экан. Шавкатни кечирим сўраттирибди. Шавкат шундан ҳайдалган бўлса керак. Жаслик қамоқхонаси бундан 14-15 йилларча чамаси илгари мусулмонларни қамаш учун ташкил қилинган экан. Мусулмонларнинг Ислом Каримовга нимаси ёқмай қолганини мен ҳеч тушунмайман. Ўйлаб ўйимга етмайман. Масалан, менинг ўғлим оддий номозхон эди.

## ЖАСЛИҚ ҚАМОҚХОНАСИ ҲАЁТИДАН

Кўйдай ювош, ҳаммага ёрдам бериб юрадиган, мискинларнинг ҳолидан хабар олиб турадиган бола эди. Биз конституция нималигини билмас эдик, ҳатто. Мен уни ўғлим камалгандан кейин, қамоқхоналарга қатнашим давомида одамлардан эшитдим. Менинг болам конституцияга қарши эмиш, нияти уни ағдарар эмиш. Аввал ўғлинг чумолига озор беришга кодирми, деб сўра аблах! Мен аблах деб қораловчи ва судьяни айтаяпман. Гулдай боламнинг умрини хазон қилишди, конституциянг бошингдан қолгурлар. Яна 8 йил қачон ўтади, ўтганича мен борманми-йўқманми? Умринг хазон бўлгурлар! Иккита болачаси қолган қўлимда. Келин икковимиз амал-тақал қилиб, ўзимиз емасак ҳам, ичмасак ҳам шу икки гўдакка едириб-ичириб, отасининг йўқлигини билдирмай ўстираяпмиз. Махкумларни уч маҳал ер тептириб ошхонага олиб кетаётганда ва ошхонадан олиб келаётганда ушбу шеърни айтиб боришлари мажбурий экан:

Гуллаган бу бўстонда  
Юртим Ўзбекистонда.  
Шундай гўзал замонда  
Соғ бўлайлик, соғ-омон.

Истиклолинг нур сочиб  
Ғам – алам биздан қочиб.  
Дўстларга кўнгил очиб  
Соғ бўлайлик, соғ-омон.

Мафтунингда армон йўқ  
Бундай гўзал замон йўқ

Юртбошидан кўнгил тўқ  
Соғ бўлайлик, соғ-омон.

Ичларида шоирлар ҳам бўлса керак-  
да, махкумлар уни мана бундай қилиб  
ўзгартириб олишибди:

Чўллаган бу бўстонда  
Юртим Ўзбекистонда.  
Шундай вахший замонда  
Соғ бўлайлик, соғ-омон.

Истиклолинг нур сочиб,  
Иблисга кўнгил очиб,  
Юртбоши кетса қочиб,  
Соғ бўлайлик, соғ-омон.

Мафтунингда армон йўқ  
Бундай вахший замон йўқ  
Юртбошининг кўти бўқ  
Соғ бўлайлик, соғ-омон.

Боламини ўйлавериб, 9 йилдан бери қамоқхоналарга қатнайвериб менинг миям тамом бўлган. Илгари шеърга ўч эдим, мактабда яхши ўқиганман. Шу олти тўртликни зўрға бир йил давомида хотирамда иккитадан тўртлик қолдириб ташқарига олиб чиқдим. Жасликдан бирор нарсани ёзиб олиб чиқишнинг имконияти йўқ-да! Гулмом Аширматова билан суҳбатлашган ва бу онахоннинг илтимосига биноан унинг сўзларини тартибга тушириб мақола кўринишига келтирган, онахоннинг қўшниси

Ботир Турдиқулов  
2012 йил, июнь.

## ЎЗБЕКИСТОННИНГ УЧОҚСОЗЛИК САНОАТИ НЕГА БАРБОД БЎЛДИ?



Тошкентдаги Чкалов номли авиасозлик ишлаб чиқариш бирлашмаси-ТАПО 70 йилдан сўнг ўз фаолиятини тўхтатишини эълон қилган.

Осиё қитъасида транспорт учоқларини ишлаб чиқарган энг йирик корпорация бундан буён хўжалик моллари ҳамда автоулов

эҳтиёт қисмларини ишлаб чиқаришга ихтисослашади. 1941 йилда стратегик аҳамиятга эга саноатнинг жабҳа ортига кўчирилиши асносида Тошкентда ишга туширилган Чкалов заводи 50 минг кишини иш билан таъминлаган. Мустақиллик йилларида завод давлат назорати остида қолди,

унинг 10 фоиз ҳиссаси ишчиларга сотилди.

1990-йиллар ўрталаридан бошланган Россия билан ҳамкорликда завод фаолиятини жонлантириш уринишлари муваффақиятсизлик билан тугади. 2005 йилда Хитой билан 4 та Ил-78 русумли ёнилғи қуювчи учоқларни етказиб бериш ҳақидаги шартномани имзолаган ТАПО Россиянинг Бирлашган учоқсозлик корпорацияси таркибига кириши керак эди, аммо бу амалга ошгани йўқ. Хитойлик мижозларнинг буюртмаларини бажара олмаган завод 2010 йилга келиб, тамоман касодга учради.

Ишлаб чиқаришнинг барбод бўлишига маблағ йўқлиги билан бирга завод раҳбарияти орасидаги коррупция ҳам сабаб бўлгани айтилади.

Завод ишчилари ойлаб маошларнинг берилмаганидан шикоят этиб келишган. Иқтисодий шарҳловчи Анвар Хусайиновга кўра, Чкалов заводининг тугатилиши Ўзбекистон учоқсозлик саноатининг тугагини англатади.



**(Зиёлиларга мактуб)**  
**Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳим**

Бир муддат олдин уламоларга (илм аҳлларига) мактуб ёзган эдим. Ўқиганлар бунинг маъқул бир мактуб эканлигини айтдилар. Бу мактубда советлар тарбиялаган зиёлиларини қасд қилиб, уларнинг ўзлари давога муҳтож эканликларини айтгандим. Мақсадим, албатта, уламони зиёлиларга қарши қўйиш эмасди. Чунки шахслар ва жамиятнинг

Қуръони Карим ва Суннат илмига нақадар эҳтиёжи бўлса, дунёвий илмлар дейиладиган

(тил, математика, физика, химия, тиббиёт ва ҳк) илмларга, адабиётга ва санъатга ҳам шу қадар эҳтиёжи бордир. Мана шундай илмларни ўзларида жамлаган инсонлар зиёлилар, дея қабул қилинади. Ўзбекистон мустақил бўлгандан кейин ватанимизда диктаторлик тузуми ўрнатилди. Президент Ислоҳ Каримов ўрнатган бу тузум зулм ва мустабидликда халқимизнинг тарихида ўрин олган хонлик ва амирлик тузумларини ҳам орқада қолдириб кетди. Бу тузум халқимизнинг ижтимоий ҳаётнинг бутун соҳалардаги (сиёсий, диний, ижтимоий, иқтисодий, маънавий ва ҳк) ташаббусини йўқ қилди. Бу орқали ўзбек халқининг қўл-оёғи боғланди ва содда тил билан айтганда 30 миллионлик халқ кулга айлантирилди. Албатта, халқимизнинг тараққийпарвар вакиллари диктатор Каримовга қул бўлишга рози бўлмадилар. Улардан баъзилари ҳадиси шарифга айтилгани каби сўзи билан, баъзилари қалби билан, баъзилари эса қўли билан бу диктаторнинг мункарларига (ёмонликларига) қарши чиқдилар. Диктатура режими улардан бир қисмини қатл қилди, бир қисмининг умрини қамқонларда чиритди, улардан бир қисми эса ҳижратни ихтиёр қилдилар...

Бу мастабид режимга энг осон тақлим бўлган афсуски, сиз зиёлилар тоифаси бўлдингиз. Каримов диктатураси сизни ўлдирмади, фақат сизга қараб ҳўмрайиши билан ўзингиз осонгина “ўлиб” қолдингиз. Бундай осон “ўлим” албатта, бу марҳумлар аввал яшаганмиди, деган мантисиз саволни ҳам ўртага чиқарди. Чунки бутун жонлилар яшашни яхши кўрадилар, ўлимдан кўрқадилар ва ўлишни истамадилар. Аммо сиз жуда осон, худди ҳазиллашаётганга ўхшаб, маънавий ўлимга қаршилиқ қилмасдан, худди уни кутиб тургандек “ўлиб”, қўя қолдингиз. Бу ўлим аслида сиз ишонган кадрларнинг сохталигига, сизнинг ижодингизнинг ҳавойи нафс ўйини эканлигига, жамиятдаги обрўингизнинг сохта бўлганлигига далил эди. Яъни, сиз советлар замонидан ҳам,



## ТИРИЛИШ ВАҚТИ КЕЛМАДИМИ?

мустақилликнинг илк йилларида ҳам ҳақиқатда яшамаган эдингиз. Номингиз улуг, супрангиз қуруқ тоифа эдингиз, холос. Шунинг учун ҳам диктатуранинг сизни “ўлдиришига” ҳожат қолмади ва ҳатто сизнинг бу шаклда вафот этганингизни ҳам биров билмади, бундай ғариб ўлим учун албатта дафн маросими ҳам ташкил қилинмади. Бундай ўлимни интиҳор, яъни кишининг ўзини дорга осиши, деб ҳам бўлмайди. Чунки интиҳор ақлини еган кишининг “жасоратидир”. Бу жасорат қатга гуноҳдир, оқибати жаҳаннамдир. Аммо сизнинг диктатура қаршисида тиз чўкиб, силлиқина “ўлишингизда” мана шундай салбий жасорат ҳам йўқ эди. Афсуски, халқимиз ичидан зиёлиман, илм аҳлиман, илғорман, деганларнинг бундай маънавий ўлими биз учун асло янгилик ҳисобланмайди. Туркистонни сўнгги беш асрда жонсиз қилган сиздай “илғорларнинг” мана шундай сессиз маънавий “ўлими”... Кошки сизлар ҳам Қуръони Каримда зикр қилинган Каҳф аҳли каби эътиқодли-имонли бўлганингизда, Сталин қатоғонидан кам бўлмаган Ислоҳ Каримов диктатурасига қарши курашиб, кейин унинг зулмидан бир ғорга қочиб, у ерда йигирма йилга яқин ухлаб, кейин бугун уйғонганингизда эди. Аллоҳнинг иродаси билан уч юз тўққиз йил ухлаган ўша мард йигитлар каби бугун кўзларингизни уқалиб, бир-бирингизга қараб “эй биродарлар неча соат ухладик, беш соатми, олти соатми”, дея сўраганингизда, “бу орада қоринимиз ҳам очиқибди, орамиздан золим Каримов миршаблари изғиб юрган Тошкентга бориб, бизга тоам келтирадиган борми?”, дея ўзаро маслаҳатлашганингизда эди. Кейин ғордан Тошкентга борган биродарингиз ёнингизга қайтиб келиб, даҳшат ичидан “эй оғайнилар бизга нима бўлди ўзи, биз бир неча соат эмас, ропша роса йигирма йил ухлаб қолибмиз. Биз уйкуга кетганда 1992 йил эди, ҳозир эса 2012 йили ёз кунлари келибди. Бизга зулм қилган диктатор Ислоҳ Каримов қариб, қартайиб, бутун золимлар каби қариганда маразликка юз тутиб, қиладиган ишини билмай қолибди.

Унинг ақлсизлиги шу даражадики, халқимизга тамоман бегона бўлган, лозимини ҳам эплаб қия олмайдиган кизи Гулнорани ўзининг ўрнига юртбоши қилмоқчи экан. Бу мақсадда шу қизининг номидан кўзбўямачилик билан халқнинг болаларига суннат тўйи, ёшларга никоҳ тўйи қилиб бераётган экан. Ҳатто шу қизини мақсади қадим юртимиз Туркистоннинг қайта оёққа туришига тўсиқ қўйиш бўлган Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти мажлисининг

қун тартибига келтириб, унга шу ташкилотнинг мукофотини олиб

бераётган экан. Туринглар, бир йўлини қилиб шаҳарга тушайлик, бу золимга қарши мужодаламизни қолган жойидан давом эттирайлик. Акс ҳолда бизнинг наслимиз диктатор Каримовнинг зулмида қолиб кетгани каби, болаларимиз ва невараларимиз ҳам унинг шу ахлоқсиз қизининг ёки ўзига ўхшаган миллатимиз душманининг зулмида қолиб кетиши мумкин”, дея бир-бирингизга далда бериб, тирик эканликларингизни исботлай олсангиз эди...

Аммо Каҳф аҳлига ўхшаш сизлар учун ушалмайдиган орзудир. Зеро, Аллоҳ таолонинг бу мўъжизаси инсоният тарихида бир марта рўй берган ва қайта такрорланмаган. Бу ҳақиқат сизларнинг маънавий ўлиқлар ҳолида абадий қолиб кетишингизни ҳам билдирмайди, албатта. Агар Аллоҳ таоло сизларни ушбу маънавий ўлимингиздан қайта тирилтиришни ирода қилса (ҳидоят берса) ва ўзингиз ҳам бундай тирилишни жону кўнгилдан истасангиз, албатта бугун ўзингизни тузатиб, тириклик нишонларини қайта ўртага қўйишингиз мумкин. Бундай ҳақиқий тирилиш қандай амалга ошиши ҳақида ўз фикрларимни айтишдан олдин бу мактуб айнан кимга ёзилганини изоҳламоқчиман. Ушбу мактуб 1980 ва 90 йилларда зиёлилар тоифасига оид бўлган, номлари, расмлари ўша даврнинг газета ва журналларида деярли ҳар куни кўринадиган, халқимиз шулар бизнинг илғорларимиз, дея эъзозлаган зотларга аталгандир. Усмон Азим, Зоҳир Аълам, Хуршид Даврон каби шоиру ёзувчилар мана шу зиёлилар гуруҳининг илғор ўрнаклари эдилар. Бу гуруҳга кирганларнинг тўлиқ рўйхатини билишни истаганлар, мисол сифатида, ўша даврдаги Ёзувчилар Уюшмаси аъзолари рўйхатига қарашлари мумкин. Адашмасам бу рўйхатда икки мингдан ортиқ кишининг номи бор эди.

(Давоми кейинги бетда)

(Давоми: Боши олдинги бетда)

Юқорида мен исмларини ўрناк сифатида ёзган зотлар нега бизни “ўлиқлар” рўйхатига қўшдингиз, ҳолбуки биз Каримов диктатураси

## ТИРИЛИШ ВАҚТИ КЕЛМАДИМИ?

даврида тирик колганмиз, дейдиган бўлсалар ва буни амалий ишлари билан исботлай олсалар, албатта, улардан узр сўраш бизга бир вазифа бўлади.

Аллоҳ таоло Ғофурдир, Роҳимдир, Халиймдир. У Зот “Айтинг: Эй ўз жонларига исроф (жабр) қилган бандаларим, Аллоҳнинг раҳматидан ноумид бўлманг! Албатта, Аллоҳ барча гуноҳларни мағфират этар. Албатта, Унинг Ўзи ўта мағфиратли ва ўта раҳмли Зотдир””, дея марҳамат қилган. (Зумар сураси 53)

Демак, Каримов диктатураси даврида ихтиёрий “ўлганлар” қайта тирилишдан ноумид бўлмасликлари керак экан. Аммо бунинг учун ушбу маънавий ўлимнинг сабаблари яхши таътиқ қилиниши зарур. Бу сабабларнинг боши эътиқодсизлик ёки бўлмаса эътиқоддаги сохтагарчиликдир. Чунки шайтон инсонларга ирқчилик, шуравийлик (коммунизм), дунёвийлик (секуларизм) ва шунга ўхшаш ботил йўлларга олиб борадиган ғояларни ҳам яхши эътиқод сифатида кўрсатиши мумкин. Эътиқоддаги бундай сохтакорликларнинг оқибати эса муҳаққак шаклда қалбнинг қаттиқлашиши ва охирида вужудга юк бўладиган жонсиз гўшт парчаси ҳолига келишидир. Бу ҳақиқатни турк шоири Муҳаммад Оқиф нақадар мукаммал ифодалаган:

**“İmandır o cevher ki, ilahi ne büyükdür,  
İmansız olan pashı yürek  
sînede yüküdür”.**

**Имон у жавҳарки, илоҳи не буюқдир,  
Имонсиз занглаган юрак  
сийнада юқдир.**

(Эй қалбларни икки бармоғи орасида ўйнатадиган Аллоҳимиз! Биз гуноҳкор бандаларингиз, ҳар турли жазога лойиқмиз. Эй Илоҳимиз, қандай жазо берсанг, бошимиз устидадир. Аммо Эй Роббимиз, асло юракларимизни сийналаримизда юк қилма. Қалбимиз тирик бўлсинки, қилган гуноҳларимиз туфайли Сенга тавба истиғфор қилайлик, Сенинг марҳаматингга ва

мағфиратингга ноил бўлайлик, инша Аллоҳ! Омин! )

Сохта ғоя ва эътиқодларга эргашиб юраги сийнасида юк ҳолига келганлар эса одатда ақлу фаросатни ҳам бир чеккага йиғиштириб, ҳавойи нафсига эргашадиганлар ҳолига келадилар. Шунинг учун ҳам улар шароб кайфини қутулиш, жинсий шахватини эса илоҳ, деб биладилар. Ва турмасдан “муҳаббат, муҳаббат”, дея шеър уловлар, мусика ва хангомалар ёзадилар. Шаҳвоний орзуларни ифодалар эканлар, ишқу муҳаббат йўлида ўлиб тирилишларини куйлайдилар. Ва ниҳоят қаршиларига Президент Каримов каби бир мустабид чиқадиган бўлса, биз зотан ўлимни орзу қилганмиз, дея осонгина “вафот” этадилар...

Ушбу ҳақиқат нақадар содда ва нақадар аччиқдир. Ўзбекистон, дея аталадиган, тарихда имом Бухорий ва Тирмизийларга, Улуғбек ва Ал Хоразмийларга ватан бўлган бу мамлакатни бугун зулм, истибод, ҳуқуқсизлик, 30 миллионнинг овозини ўчириб, фақат бир Диктаторни гапирадиган ҳолга келтирган нарса ушбу ҳақиқатда ифодаланган мункарнинг (ёмонликнинг) айни ўзидир.

Бу ҳақиқатни Аллоҳ Расули (сав) “Сиз қандай бўлсангиз, ҳокимингиз ҳам шундай бўлади”, маъносидаги муқаддас сўзлари билан ҳам ифода этганлар. Шундай экан, эй маънавий тирилишни истаган ҳамюртлар, бу ишни асло пайсалга солманг. Агар бу мактуб юборилганлар орасида мен ҳам борман, десангиз, унда ёзилган ҳол сизнинг аҳволингиз эса, ишни надомат ва нафсингизга маломатдан бошланг.

Зеро, тавбанинг аввалги шартини пушаймонлик ва надомат кўз ёшларидир. Шундан кейин, қалбингиздаги қўрқувни йикинг, зеро сизнинг унга, унинг сизга эҳтиёжи бўлмаган ягона нарса қўрқувдир. Эски ҳақиқатда айтилгани каби қўрқувнинг ажалга фойдаси бўлмайди.

Сиз эса бу марта ажал томон эмас, маънавий тирилиш томон одим отмоқдасиз. Қўрқманг, зотан ўзининг қалби ҳам сийнасида ярим килолик юк ҳолига келган Диктаторнинг сизнинг ҳис туйғуларингизни ўқиши имконсиздир.

Қўрқманг ва энди нима қилсам экан, дея намли кўзларингиз билан атрофга боқинг. Бола-чақам, уйим-масканим нима бўлади, деган андиша ҳам сизни беқарор қилмасин. Зеро, қабрдаги марҳум ёлғиздир ва унинг ўзидан бошқа халоскори йўқ. Ўзингизга менинг эътиқодим тўғрими, деган саволни беринг ва унга яна тўғри жавоб топиш йўлларини изланг. Маъноси ўтган кунларингизга пушаймон бўлиб, надомат кўз ёши тўкишингиз, пешонангизнинг сажда кўриши, ёлғон ва ҳаромдан хазар қила бошлашингиз ва зулмга қарши мазлумларнинг сафига ўтишингиз сизнинг қалбингизнинг қайта тирила бошлаганига ишоратдир.

Шундан кейин, истанг Ўзбекистонда қолиб яширинча диктатурага қарши кураш сафарига қўшилинг, истар муҳожирликни ихтиёр қилиб, муҳолифатнинг кучланишига ёрдамчи бўлинг, нима қилиб бўлса ҳам Ўзбекистондаги диктатура режимининг ўртадан кўтарилишига ўз ҳиссангизни қўшинг.

Инсонларнинг шу сизми, сиз кечагина Каримовнинг қўғирчоғи эдингиз, деган сафсаталари асло маънавий тирилиш томон отаётган қадамларингизни сусайтирмасин. Чунки банданинг тавбасини банда эмас, Парвардигоримизнинг Ўзи қабул қилади.

Унутмангки, Аллоҳ таоло гуноҳ қилмайдиганларни эмас (чунки инсон фарзандлари ичида бундайлари бўлмайди), гуноҳ қилгандан кейин, тавба қилиб, яхшилик қиладиган бандаларини севади. Даъватимизнинг охири оламларнинг Парвардигори Аллоҳ таолога ҳамд айтишдир. Аллоҳнинг саломи, раҳмати ва мағфирати Унинг ҳидоятига эргашганларга бўлсин! Омин!

**Намоз Нормўини**

Бир неча ҳафта олдин ҳам Покистон расмийлари ёпиб қўйилган Жанубий таъминот йўлини очиш эҳтимолига ишора қилишганди. Афғонистондаги хорижий кучлар учун муҳим бу таъминот йўлига ўтган ноябрдаги НАТО ҳужумида 24 нафар Покистон аскарлари ўлдирилиши ортидан ёпиб қўйилган. Аммо эски яра ўрни битмай, Покистоннинг озод қавмлар минтақаларига АҚШнинг дрон, яъни учувчисиз учоқ ҳужумлари кучайди.

Бу эса Исломобод ва Вашингтон ўртасидаги салқин муносабатларни яна-да совуқлаштирди. Ҳар бир юк машинаси ўтиши учун Покистон жуда катта пул талаб қилаётгани ҳам ўртадаги музокаралар самарасиз

## КАРИМОВ ЯНА НАТО НОҒОРАСИГА ЎЙНАЙДИ

туғашига етаклагандир, деган фаразлар бор. Нима бўлганда ҳам, АҚШ музокарачилари ортага қайтариб



олинди. Аксинча, АҚШ ва НАТО вакиллари энди Ўзбекистон ва Қозғистондан ўтувчи Шимолий таъминот йўлига катта аҳамият беришмоқчи.

Аслида, Афғонистондан чиқиб кетишга ҳозирланаётган НАТО кучлари катта миқдордаги жиҳоз

ва усқуналарини олиб чиқиш учун қимматга тушадиган Шимолий таъминот йўлидан фойдаланишни унчалик ҳам хушлашмайди. Покистондан ўтувчи Жанубий таъминот йўли эса қисқа ва арзон.

Шу боис ўз музокарачиларини ортага чақириб олган Вашингтон бутун эътиборини Шимолий таъминот йўлига қаратмоқчи, дея хулоса чиқариш ўта мушкул. Лекин икки иттифоқчи – АҚШ ва Покистон алоқалари шу даражада ёмонлашганки, Жанубий таъминот йўли ҳали-бери қайта очилмаса керак.



## ЎЗБЕК МУХОЛИФАТИ ТАРИХИДАН ЛАВҲАЛАР

### ПРОВОКАЦИЯ

Портлашлар ўзбек режимининг пухта ўйлаб амалга оширган провакацияси эканига шубҳа йўқ эди. Мен махсус хизматлар бу акцияни ўз режимларини замонавий ва демократик ҳамда дунёвий мухолифатдан батамом халос этиш учун амалга оширганларига шубҳа қилмайман. Ғарбнинг инсон ҳуқуқлари ва мухолифат аҳоли ҳақидаги дашномлари Президент Каримовнинг бўғзига келиб тақалган эди. Шунинг учун ҳам у “мухолифатнинг террористик никоби”ни йиртиб, унинг асл башарасини бутун дунёга кўрсатиб қўйишни анчадан бўён ўйлаб юрарди. Тошкент портлашлари айти шу мақсадда уюштирилган бўлиб, айтиш мумкинки, у Каримов кутган эффе́ктни берди ҳам...

### ХИБСЛАР ВА ҚИЙНОҚ

Олдин айтиб ўтилганидек, портлашлардан сўнг биринчилардан бўлиб демократик мухолифат аъзолари Мўътабар Аҳмедова, Мамадали Маҳмудов, Солихнинг ака-укалари – Комил ва Рашид, бир оз кейинроқ эса – Муҳаммад Бекжонлар ҳибсга олинди. Мўътабар Аҳмедова кўп ўтмай қўйиб юборилган бўлса-да, аммо қолган бошқа мухолифатчилар режим жаллодлари томонидан ҳибснинг биринчи куниданок даҳшатли қийноқларга дучор бўлдилар. Кейинчалик улар маҳкама жараёнида ўзларининг барча гувоҳликлари қийноқлар остида олинганини очиқ ойдин баён этдилар...

### ҚОРАЛАШ, ИҒВО ВА БЎҲТОН КОМПАНИЯСИ

Портлашлардан кейинги дастлабки кунданок, гарчи ҳеч бир исбот ва “ашёвий далил” бўлмаса-да, ҳукумат матбуоти, радио ва телевизоридан Муҳаммад Солихга қарши қоралаш компанияси авж олди. Ўзларининг асосий ракиблари – “Ислоҳ фундаменталистлари” бир ёқда қолиб, бутун умри давомида террорни қоралаган, улугвор ва юксак ғоялар билан террорни ёқлаб келганларга ҳаммаша қарши бўлган кишига нисбатан тўхмат ва бўҳтондан иборат шармандалар жараён узок давом этди. “Инсон ҳақ-ҳуқуқи ва озодлиги” журнали Россиянинг бир гуруҳ кўзга кўринган таниқли ёзувчилар, сиёсатчилар ва жамоат арбоблари Мурожаатини эълон қилади. Унда жумладан шундай сўзлар бор эди: “Газета ва журнал саҳифалари, радио ва телевидения эшиттиришлари орқали Муҳаммад Солих номига бўҳтон ва тўхматдан иборат иғво хабарлар тинимсиз тарқатилмоқда.

Корхона ва ташкилотларда, маҳалла ва олий ўқув юртларида тепадагиларнинг топшириғи билан “Жонажон Президентимизни химоя қиламиз!”, “Муस्ताқиллик ва осойишталик душманлари йўқолсин!”, “Йўқолсин Муҳаммад Солих!” деган шиорлар ва хитоблар остида йиғилишлар ўтказилмоқда. Буларнинг барчаси Сталин ва Брежнев давридаги тоталитар совет тузумининг машғум йилларини, Андрей Сахаров ва Александр Солженицинларга бўлган таъби ва таъйиқларни эслатмоқда.” (“Защита прав и свобод человека”, Номер 4 (11) 21.05.1999.) Бу хатга Людмила Алексеева, Белла Ахмадулина, Елена Боннэр, Лариса Богараз, Сергей Ковалев, Андрей Битов, Фазыл Искандер, Константин Боровой, Александр Ткаченко ва Россия Думасининг кўплаб бошқа депутатлари ҳам имзо чекишган. Дунё ҳамжамиятига Муҳаммад Солих ва ўзбек мухолифатини химоя қилиб худди шундай Мурожаатнома Озарбайжон Халқ Фронти раҳбарлигидаги Озарбайжон мухолифати ҳам қабул қилган эди. Мазкур Мурожаатномага Озарбайжон сиёсий партияси раҳбарларидан 12 нафари имзо чекишган. Уларнинг орасида Абулфайз Элчибей, Иса Гамбуров ва бошқа таниқли арбоблар бор эди.

Солихни унинг учун оғир бўлган дамда украиналик сиёсатчилар ҳам унуттирмади. Украина Олий Радасининг 36 депутати у раҳбарлигидаги ўзбек мухолифатини химоя қилиб дунё халқларига Мурожаат қабул қилишди. Хатга имзо чеккан депутатлар орасида Қрим турклари лидерлари Мустафо Жамил ва Руфат Чубароғлилар ҳам бор эди. Солихга қарши олиб борилган бу қоралаш компаниясида, ажабки, “оппозиционерлар”дан ҳам икки шўрлик нусха қўшилиб қолган эди. Булар ўша ўзингизга маълум бўлган ожиз кимсалар А.Пўлатов ва Ж.Маматовлар эди. Улар ўзларининг “Бирлик” интернет сайтларида Муҳаммад Солих мухолифатдан чиқди, Ўзбекистон эса уни фуқароликдан маҳрум қилди деган бўҳтон тарқатиш билан овора эдилар... Нима ҳам дердик, бу дунёда ҳар кимнинг ўз “ташвишлари” бўларкан...

### МУҲОЖИРОТ

1999 йилнинг март ойида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг қочоқлар бўйича Комиссарлиги Муҳаммад Солих ва унинг оила аъзоларига сиёсий қочоқ мақомини берди. Апрель ойида у оила аъзолари билан Ослога келади. 1999-2000 йилларда Ўзбекистон

ҳукумати Норвегия давлатига уч маротаба Солихни ушлаб бериш ҳақида мурожаат қилиши ва ҳар гал рад жавоби олишди...

### ДЕМОКРАТИК МУХОЛИФАТ УСТИДАН СУД

Маҳкама жараёни 1999 йилнинг 18 август куни Тошкент вилоятининг мўъжазгина шаҳарчаси – Янги йўлда бошланди. Суд ҳукми ўқиб эшиттирилишидан икки кун олдин ёзувчи Мамадали Маҳмудов бошчилигидаги гуруҳ халқаро жамоатчиликка қилган Мурожаатномасини эълон қилди. Мана ўша мактуб: “Халқаро радиостанцияларга судланувчилар, “Ўзбекистон Демократик кучлари” аъзоларидан

### Мурожаатнома:

Биз судланувчилар – Мамадали Маҳмуд, Муҳаммад Бекжон, Рашид Бекжон, Юсуф Рўзимуродов, Қобил Диёров ва Неймат Шарипов шуни маълум қиламизки, бизларни Ички Ишлар Вазирлиги ертўласида узок муддат саклаб, “ЭРК” лидери Муҳаммад Солих ва Ўзбекистон Демократик кучларига қарши кўрғазма олиш учун мислсиз азоб ва қийноқларга солишди. Бизга “Ўлим халталари” кийдиришди, электр токи билан қийнашди, резинали дубинкалар, сув тўлдирилган пластмасса идишлар ва қўллар билан уришди, ҳақорат қилишди.

Аёлларимизни олиб келиб зўрлаймиз деб кўрқитишди. Лекин биз барибир бўҳтон ва ёлғон кўрғазмаларни тан олмадик. Биз барча демократик давлатлар ва халқаро ташкилотлардан бизларни химоя қилишларини илтимос қиламиз! Яна шуни қўшимча қилмоқчимизки, Мамадали Маҳмудовдан Муҳаммад Солихни ўлдиришни талаб қилишди. Судланувчилар (имзо): Мамадали Маҳмуд (Эврил Турон) ёзувчи Муҳаммад Бекжон, “Эрк” партияси аъзоси Рашид Бекжон, “Эрк” партияси аъзоси Юсуф Рўзимуродов, “Эрк” партияси аъзоси Қобил Диёров, “Бирлик” аъзоси Неймат Шарипов, бизнесмен. 1999 йил 18 август.” Судланувчиларнинг маҳкамада маълум қилишларича, уларни судга қадар адвокатсиз сўроқ қилишган ва ҳатто судга ҳам улар химоячиларсиз келишга мажбур бўлишган. Лекин булардан қатъий назар, суд, ҳеч бир далил ва исботсиз уларнинг ҳар бирини 14 ва 15 йилга (каттиқ ва кучайтирилган тартибли калонияда) озодликдан маҳрум қилиш ҳақида қарор чиқарди...

(Давоми кейинги бетда)

## ЎЗБЕК МУХОЛИФАТИ ТАРИХИДАН ЛАВҲАЛАР

(Давоми: Боши олдинги бетда)

(Рус тилидан Исмаи Хушев таржимаси).

Ёзувчи Мамадали Махмудовнинг суд залидан ёзган мактуби

Бу хатни тўқсон тўққиз фоиз ёпик ҳолда, юзлаб курилган погонли, каскали кишилар курушовада кечган суд залида ёздим. Унинг бир нусхасини бир амаллаб умр йўлдошим Муқаддас Махмудга бердим. Мақсадим: кўплаб нусхага кўчириладиган бу хатни Сизларга етказиш... Менга қасдан қилинган тўхмат-бўхтонлару жабр-зулмларни шу қоғозда акс эттирдим... 1999 йил 19 феврал куни кеч соат олтиларда қора никоб кийган зўравонлар мени ўғирлаб кетишди. Воқеа шундай юз берди: мен “Тико” да маҳалламиз (Салар-1) дўконига борган эдим. Умр йўлдошим Муқаддас Махмуд ёнимда эди. Дўкондан чиқишим билан қора никоб кийганлар алланарса билан менинг бошимга уришди. Кейин мени судраб, буклаб машинага тикишди. Умр йўлдошимнинг чинқириғи, маҳалладошларимнинг қий-чувлари қулоғимга чалиниб қолди. Бу ҳодиса яшин тезлигида кечди. Ойлар кечароқ билсам, никобдорлар “Тико” мизни ҳам ўғирлаб кетишибди. Мени ўғирлашган соатнинг ўзида бу зўравонликни бутун маҳалла, сўнг Ўзбекистон, сўнг дунё билди... Ҳар куни “тоталитар тузим” деб ёмонлаётганимиз – СССР пайтида ҳам менга бундай ваҳшийлик қилинмаган. Мустақиллик даврида миллий ёзувчини асосиз равишда таҳқирлаш – зулми, адолатсизликми, буни ўзларингиз баҳоларсизлар. Мабодо, 16 феврал воқеасида менинг тарикча ҳам айбим бўлганда эди мен ўз уйимда бўлмас эдим... Менинг ҳам ўзимга яраша ақл-фаросатим бор... Бу пайта мен, олти-етти ойдан бери, уйдан эшикка чиқмай китоб ёзаётган эдим. Мадомики мандан гумон қилинса, мени қонун йўли билан чақирса бўлмасмиди? Қонунга қарши ким боряпти? Никобдорлар менга қора никобни терс кийдиришганда, мен ҳушимга келдим. Улар мени уриб, сўкиб тағларига босиб олишди. Тагин ҳушимдан кетдим. Тошкентдан номаълум томонга тахминан 2-3 соатча (кейин сездим...) йўл босилгач, мени зулмат ичида уриб, тепиб, судраб, сўкиб, таҳқирлаб номаълум ертўлага олиб тушишди. Никобда ҳеч нарсани кўрмадим. Сездим. Фақат эшик яқинида саноғи йўқ ваҳший итларнинг ваҳший вовуллашларию ертўлада тарс-турсларни, аянчли инграшлару, дод-фарёдларни эшитдим. Вужуд-вужудни ларзага солиб юрак-бағримни сил этувчи бу чинқирик,

инграш, йиғиларга одам боласи чиқай олмайди. Бу олис, овлоқ, номаълум ертўлада ҳар куни шундай... Мени кўрқув босди, “ном-нишонсиз ўлдириб юборишади” деб ўйладим. Мен инграб юбордим. Тагин мени сўкиб, таҳқирлаб, уриб тепишди. Менинг қўлларимни орқамга қайириб, кишанлашди. Мен қимирласам, кишан менинг қўлларимни баттар қисарди. Кейин қанча кун, қанча тун кечди, мен билмадим, менинг қўлларимни кишандан ечишмади. Қишда тақир, зах ерда, ўттиз учта танга-танга тешиқдан совуқ иззилаб кираётган бетон зиндонда бир ярим ойча бир ўзим юпун, ҳўл ва қонга беланган ҳолда ўлим билан олишиб ётдим... Номаълум ертўлада мени юзида холи бор йигит сўроқ қилди. Унинг ёнида доим никоб кийган баҳайбат-баҳайбат уч палач тўппонча ва дубинкаларда турди. Сўроққа мени никобдорлар никобда, кишанда камерадан олиб чиқар, сўнг шу зайлда – никобда, кишанда судраб чалажон ҳолда олиб келар эди... Юзида холи бор кимса менга ўзини таништирмади. У мени истаган онда ўлдириши, Ахмаддон Одиловдай қамоққа чириштириши, уй-жойимни ёқиши, бола-чақамни автохалокатга йўлиқтириши, уларга турли-туман тазйиқлар қилиши, менинг умр-йўлдошим билан икки қизим ҳам шу зиндонда экани, кўз олдимда зўрлашлари ва ўзига шундай ҳуқуқ берилганлиги ҳақида қайта-қайта таъкидлади. Бундай ишларга олтин, пул аямаслигини айтди. Юзида холи борнинг буйруғи билан, айрим кечаларда балки унинг буйруғусиз никобдор уч палач (никобдорларга нисбатан палач сўзини юзида холи бор айтган) мени кўз кўриб, кулоқ эшитмаган усуллар билан кийнади. Дубинкаларда уравериб, тепавериб қонга белади. Менинг соғ ерим қолмади. Бутун баданим қорайиб, кўкариб, шишиб кетди. Қўл-оёқларимни куйдирди. Игнадан тирноқларим қорайиб, кўпорилиб кетди. Орқамга қўлларим кишанланган ҳолда мени соатлаб осиб кўйди. Менга аллақандай уқоллар қилди. Аллақандай суюкликлар ичирди... Мен юзлаб марта ҳушимдан кетдим, мени юзлаб марта ҳушимга келтирди. Мен ҳушимдан кетган онларимда, қишда, совуқда менинг бошимга совуқ сувлар куйди, бурнимга аллақандай сасиқ нарсаларни тикди... мен ҳўл уст-бошим билан муз зиндонда ёлғиз ўзим тун-қунларни чидаб бўлмас азобда ўтказдим... Менинг ҳар куним, ҳар туним қўлларим кишанланган ҳолда олис, овлоқ, номаълум ертўлада шундай қийноқ, азоб билан кечди. Мен бу

қоғозда менга берилган мингдан бир азобни ёздим. Мен бунчалик ёвузликни бирон китобда ҳам ўқимаганман, бирон кинофилмда ҳам кўрмаганман. Ўз ўлимимга рози бўлдим. Тинимсиз ҳўрлаш, таҳқирлаш, қийноқлардан ўлим енгил. Фақат бир нарсага – болаларимни кўрмай ўлаётганимга, ўлигимни ҳам уларга бермаслигимга ачиндим. Оғир қийноқлар сўнггида юзида холи бор кимсанинг буйруғи билан кип-ялонғоқ қилиб ечинтиришди, сўнг ўлим стулига ўтқизишди. Сўнг қайтадан менинг қўл-оёқларимга кишан солишди ва ҳамма ёғимни чандиб боғлашди. Мен ҳаёт билан видолашдим. Болаларим, набираларим кўз олдимдан ўтди. Бундан менинг юрак-бағрим эзилиб қон бўлди. Оғир, тўхтовсиз ҳўрсиниқлар томоғимга тикилди. Ҳаётдан ном-нишонсиз кетаётганимдан, жасадим қулга айланажагидан, бундан болаларим, набираларим, умр йўлдошим ҳабар топмаслигидан ҳўрлигим келди. Ўзимга-ўзим ачиндим. Менга ўлим қопи кийдиришди. Палачлар менга 5 марта ўлим қопи кийдиришди. Кейин юзида холи бор кимса: - Тошкентдан “ҳозир ўлдирилмасин” деган буйруқ олдик, деди менга, энди сени ойлаб қийнаб ўлдирамиз ё айтганларимни ёзиб берасан. Яна мени тунлар, кунлар қийнашда давом этишди. Мен юролмай, ўтиролмай қолдим. Чала жон ётдим. Менинг оёқ-қўлларим яралардан шишиб, йириглаб кетди. Туфлим оёғимга сиғмай қолди. Дубинкалар зарбидан пайпоқларимнинг тит-пити чиқиб кетди. Мени терговхонасига яланғоёқ ҳолда ўликдай судраб олиб борар, терговдан судраб олиб келар, юзимдан қора никобни, орқамга қайирилган қўлларимдан кишанни ечмас эди. Хотиним билан қизаримни ўртага қўйишди... Бу олис, овлоқ, номаълум, қўрқинчли ертўлада аёлларнинг оҳ-фарёдларига одам зоти чидолмас эди! Сўнгсиз қийноқлардан сўнг “истаганини ёзиб бераман, хотиним билан қизларимнинг ор-номусларини сақлаб қоламан, сўнг судда ҳақиқатни айтаман”, деб ўйладим. Ва шундай қилдим. Шундай қилишга мажбур бўлдим. Мажбур этишди!... Ҳатто “16 февралда ҳамма ерни мен портлатдим”, деб ёзиб бердим. Шундан кейин мен кўчада юрган ҳар қандай бегуноҳ одамга ҳам мислсиз, даҳшатли қийноқлар билан ундан шундай ёздириб олишлари мумкинлигига ишондим. 16 феврал воқеасини ким қилган? Кимлар?

(Давоми келгуси сонда)



## ТАБИЙ ДОРИ-ДАРМОНЛАР

*(Давоми. Боши ўтган сонларда)***“Бошқаларнинг топган баъзи дорилари билан ҳар қанча даволансанг ҳам, энг яхши табиб Аллоҳ Таъолодир”.  
(Ҳадиси шариф).**

“Аллоҳ Таъоло касалликни ҳам, давосини ҳам назил қилган. Ва ҳар бир касалликка бир дармон яратган. Шундай экан, даволанинг. Фақат ҳаром бўлган нарса билан даволанманг”. (Ҳадиси шариф). Аччиқ қовун *Ecballium elaterium* (Чиртаган қовуни, Абу Жаҳл қовуни, Шокол қовуни, Эшак бодринги) Сарғайиб пишган аччиқ қовун дори сифатида қўлланилади. Аччиқ қовуннинг суви мукамал тозаловчи ва эритувчи бўлиб, баданнинг чуқур қатламларида тўпланиб, йиллар давомида сақланган ортиқча зарарли моддаларни ташқарига чиқариб ташлайди. Аччиқ қовуннинг пўстлоғи ва уруғлари заҳарлидир. Қўлланиладиган қисми - сувли ва этли қисмидир. Аччиқ қовун пишмаган ҳолда, ҳали яшилгида ишлатилса, заҳарли ични кетказида ва қустиради. Бундай қовуннинг қуритилган ва майдаланган пўстлоғининг 1 граммини, уруғининг ярим граммини ёки илдининг 3 граммини истеъмол қилиш ўлимга олиб бориши мумкин. Бир шохда битта аччиқ қовун бўлса, бу яна-да заҳарли бўлади. Уни заҳарини заифлаштириш учун асал ёки шакар билан аралаштириш керак. Янги ва қурук аччиқ қовун дори сифатида қўлланилиши мумкин. Аччиқ қовуннинг суви, меваси (уруғсиз), барглари ва томири қуритилади ва сақлаб қўйилади. Аччиқ қовуннинг суви баргининг сувидан ҳам қувватлидир. Фалаж, кичима, жигар касалликлари, ҳатто цирроз, буйрак ва қовуқ касалликларига, ревматизм, урологик ва гинекологик касалликларга фойдали. Қон ва сафрони назиклаштиради, бош оғриғи ва мигренни (вакти-вакти билан тутадиган бош оғриғи) кетказида. Илон ва чаён қақишларига қарши даводир.

Аччиқ қовун оғиз йўли билан, қинга (вагинага) қўйилиб, қулоққа томизилиб, бурунга тортилиб ёки терига сурилиб қўлланилади: 50 гр янги аччиқ қовун томири ингичка қилиб кесилади ва 500 гр сув билан паст оловда 5 дақиқа қайнатилади. 15 дақиқа кутулиб, сузилади ва бир ош қошиқ асал билан аралаштирилади. Ҳар кун бу сувдан 150 грамм кун бўйи ютум ютум ичилса, гепатит ва цирроз, оғриқ, қон қуюлиши, бесўнақайлик (фил) касалликларига фойдали. Аччиқ қовун ичи тозаланиб, асал тўлдирилади. Ботгунича сув куйиб, паст оловда 15 дақиқа қайнатилади.

7-10 кун давомида 3 дондан бошлаб, кўпайтириб, ҳар куни 5 дон, орада 10 кунлик танаффус билан ейилса, руҳий касалликларга ва эпилепсияга фойдали бўлади.

Аччиқ қовун ва сирка чала қайнатилиб, ғарғара қилинса, тиш оғриғини камайтиради, милкларни кучлантиради, тиш олдиришни қулайлаштиради.

14 кун давомида ҳар куни 7-13 дон аччиқ қовун барги 1 пёла сув билан паст оловда 3 дақиқа қайнатилади. Совиганидан кейин асал ёки шакар билан ширинлаштирилиб, ютум-ютум ичилса ёки ҳар кун терига 6-10 дон аччиқ қовун суви сурилиб турилса, асаб, бўғин, ишиас, қақшаш ва ўткир оғриқларга, буйрак ва сийдак йўлларига фойда қилади. Бесўнақайлик (фил касалиги, элфантиаз) ва моховнинг ривожланишини тўхтади туради.

Аччиқ қовун барглари майдаланиб, йиринглашган шишларга сурилади, усти ёғли қоғоз билан ёпилса ва 5-6 соат кутулса, шишларни кетказида. Газакларга (шишларга) сурилса, уларни кичрайтиради. Теридаги доғларни кетказида, фалаж ва юз фалажига фойда беради. Қуритилган ва туйилган аччиқ қовун томири, арпа ёки жавдар уни билан суяк хамир қилинади. Бу хамир бўғинлар ва кўкракдаги шишларга сурилади, усти ёғли қоғоз билан ёпилиб, 12-24 соат ўраб қўйилади. Аччиқ қовуннинг 100 гр қурук меваси олиниб, 500 гр сув билан (200 гр сув + 300 гр табиий сирка қоришмаси билан янада таъсирли бўлади) паст оловда 15 дақиқа қайнатилади ва озгина совутилиб, сузилади. Сўнг шу сув билан мато хўлланиб, оғриган бўғинларга қўйилади ва 4-5 соат кутулади.

Аччиқ қовун сувининг сув ёки сут билан яримга-ярим қоришмаси ҳовучга солиниб, бошни олдинга эгиб, бурунга тортилади; 3-4 сония ушлаб туриб, кейин ташлаш керак. Ярим соат – 4 соат кейин кучли акса уриши ва бурун оқиши бошланиб, 1-3 кун давом этади. Бу сурункали бош оғриғи, мигрен, синусит, мия томирларидаги тикилишларни ва тузларни, тери ва кўздаги сарикликни кетказида.

Аччиқ қовун миқдори кишининг мизожига қараб ўзгаради. Қон гуруҳи “0” ва “В” бўлганлар аччиқ қовунга кучли реакция беришади. Улар аччиқ қовун сувининг сув ёки сут билан яримга-ярим қоришимини истеъмол қилишлари мумкин.

Оқиш бошланиб, етарли миқдорда бўлмаса, 2/3 аччиқ қовун суви + 1/3 сув аралашмаси, агар бу ҳам

етмаса, 3/4 аччиқ қовун суви + 1/4 сув аралашмасини истеъмол қилиш мумкин.

Қон гуруҳи “А” бўлганларнинг мизожи аччиқ қовунга тўғри келади. Шу сабабдан улар аввал 3/4 аччиқ қовун суви + 1/4 сув аралашмасини, кейин соф аччиқ қовун сувидан фойдаланишлари мумкин.

Қон гуруҳи “АВ” бўлганларга эса ҳар хил реакция беради. Бунга барҳам бериш учун улар аччиқ қовун миқдорини бир неча марта текшириб, босқичма-босқич равишда кўтариб боришлари керак. Энг кам дозадан (1/3 аччиқ қовун суви + 2/3 сув) бошлаб, бир-икки кун танаффус билан таъсир қилувчи доза (меъёрни) топгунча тажрибада давом этишади. Тажрибалар ораси мутлақо 1-2 кун бўлиши керак. 2 ош қошиқ газанда уруғи + 1 ош қошиқ хантал уруғи туйилади. 2 қошиқ янги сиқилган қовун суви + 200 гр асал билан яхшилаб аралаштирилади. Кунда 2-3 марта 1 чой қошиқдан ейилади. У яхшигина балғам кўчирувчи бўлиб, ўпкаларни тозалайди.

Аччиқ қовун барги суви сузгичдан сузилиб ёки 1/3 қовун суви + 2/3 сув аралашмаси 1-2 томчидан қулоқларга томизилади. Қулоқларни тозалаб, оғриғини кетказида.

1 чой қошиқ аччиқ қовун суви + 1 чой қошиқ асал + 2 чой қошиқ зайтун ёғи аралашмаси, томоқ бодомсимон безларига (гландаларга, ангиналарга) сурилади.

1 чой қошиқ туйилган седана + 2 чой қошиқ янги сиқилган аччиқ қовун суви + 1 чой қошиқ асал аралашмаси кичик латтага қўйилиб, ухлашдан аввал қинга (вагинага, бачадонга яқин жойга) қўйилади ва эрталабгача кутулади. Бу шаклда бачадон тозаланади, ундаги томирлар очилади. (Бу даво ҳомилдорларга тавсия қилинмайди!)

30 гр қурук ёки 100 гр янги қовун томири ингичка қилиб кесилади, 1 литр сув билан паст оловда 15 дақиқа қайнатилади ва сузилади. Сўнг бу сувдан 100 гр олинади, 200 гр асал шарбати билан аралаштириб, кун бўйи қултумлаб ичилади. 3 кун шундай қилинади. 3 кун танаффус қилиб, 3 кун яна ичилади. Бу жараён 3 марта такрорланади. 1 ойдан кейин айни танаффуслари билан такрорланади. Ёки: Қуритилган ва туйилган аччиқ қовун томири, эрталаб ва кечкурун ½ чой қошиқ + 1 чой қошиқ асал аралашмаси ичилади ва бунга ич кетиши бошлангунича давом этилади. Ич кетиши тўхтаганидан кейин яна бошланади, жараён 3-7 марта такрорланади. Талок касалликлари ва цирроз касаллигига фойда бериб, шишларни кетказида.

*(Давоми кейинги бетда)*

## ТАБИИЙ ДОРИ-ДАРМОНЛАР

(Давоми. Боши олдинги бетда)

1 литр сув + 1 ош қошиқ асал + 1 ош қошиқ янги сиқилган қовун суви (қон гуруҳи “А” бўлганларга 2 қошиқ) + 1 ош қошиқ янги сиқилган янги занжабил + 2 ош қошиқ янги сиқилган селдир япроғи суви билан аралаштирилади.

Қултумлаб, қун давомида ичилади. Сийдик ва хайзни кўпайтиради, буйрак ва жигарни тозалайди, балғамни кўчиради.

Аччиқ қовун суви оғриган бўғинларга ва ҳар қандай оғриган жойга сурилади. Шу тарзда кунда 6 дона (қон гуруҳи “А” бўлганлар 10 донагача) аччиқ қовун сувини ишлатиш мумкин. Оғрик бир онда камайд ва кетади.

Қусиш учун 1 чой қошиқ аччиқ қовун суви + 1 чой қошиқ зайтун ёғи аралашмасини тил тагига сурилади. Қусиш билан ошқозон тозаланади ва қувватланади.

Қусишни тўхтатиш учун 1 ош қошиқ зайтун ёғи ёки лимон суви ичилади. 2/3 қошиқ зайтун ёғи, 1/3 қошиқ аччиқ қовун ёғи аралаштирилади. Бу ёдан қулоққа 3-5 томчи томизилса, қулоқ оғриқларига ва шанғиллашига фойдали.

Умуртқани бошидан охиригача қоплайдиган даражада узун пахтали лагга аччиқ қовун ёғига ботирилади. Энсдан бошлаб думғазагача умуртқа устига ёпиштирилади. Устига ёғли коғоз қопланиб, боғланади. Кейин сочиқ кўйилади, қалин кийим кийиб ётилади ва эрталабгача шундай қолади. Аччиқ қовун ёғи барча аъзоларга таъсир қилиб, чуқур тўқималардан токсинларни кўчириб, ич кетиши, сийдик, тер, бурун оқиши ёрдамида ташқарига чиқариб ташлайди. Ҳар қандай касалликларга, хусусан MS, фалаж, альцгеймер, ревматизм, умуртқа касалликларига қарши фойдаланилади.

### Аччиқ қовун ёғини тайёрлаш:

Пишган аччиқ қовун меваси кесиб олинади, уруғлари чиқарилади ва 3 қисмга бўлинади. Биринчиси, кастрюлга тиғиз қилиб жойлаштирилади ва устини ёпадиган даражада зайтун ёғи кунжут ёғи қуйилади. Бўғланиши тугагунча паст оловда қайнатилади. Ёғи сузилиб, яна кастрюлга қуйилади. Иккинчи кейин учинчи қисмлар шу ёғ ичига солиниб, айни жараён (айни ёғда) яна такрорланади (қайнатилади ва сузилади). Сўнг ёғ сузилиб, шиша идишларга солинади, оғзи ёпиб қўйилади ва зарур пайтда қўлланилади.

Огоҳлантириш: Аччиқ қовун уруғи жуда захарли бўлгани учун ишлатилмайди. Аччиқ қовуннинг суви ички аъзолар учун яхшилаб сузилиб ишлатилади. Бир мартада



2 граммдан кўп қуритилган аччиқ қовун суви асалсиз олинса, ўлимгача олиб бориши мумкин. Қуритилиб, қиём ҳолига келгандан кейин аччиқ қовун суви бир мартада 0,7 граммгача олинishi мумкин..

### Арпабодиён *Pimpinella anisum*

Буйрак, қовуқ, бачадон, жигар ва талок қопламаларини очади; оғриқларни енгиллаштиради; хайз, сут ва сперма ишлаб чиқарилишини орттиради; қориннинг пастки қисмидаги оғриқларни ва танага теккан ҳар қандай захарнинг зарарини кесади. Газ чиқаришда таъсирли восита. Арпабодиён чойи бош оғриғи учун жуда фойдали. Кўриш қувватини оширади:

3 қошиқ туйилган арпабодиён 200 гр зайтун ёғи билан аралаштирилади, 7 кун сақланиб сузилади. Сузилган ёғ 1 томчи гул ёғи ёки саримсоқ ёғи билан аралаштирилиб, қулоқ касалликлари учун қўлланилади.

1 стакан сувга 1 чой қошиқ арпабодиён кўшилиб, 3-5 дақиқа қайнатилади ва сузилиб, кичик ютумлар билан ичилади.

1 ош қошиқ арпабодиён 1 стакан қайноқ сув билан аралаштириб, 1-1,5 соат дамлаб қўйилади. Дамланганидан кейин иккига бўлиниб кунда 2 марта оч қоринга асал билан ичилади.

Арпабодиённи асал билан ёки асалсиз 1 чой қошиғи миқдорда ейиш мумкин.

Майдаланган арпабодиён таомлар устига сепилади.

Нон хамирига арпабодиён аралаштирилса, нон ҳазмини енгиллаштиради.

2 ош қошиқ туйилган арпабодиён + 1 ош қошиқ туйилган сано + 2 ош қошиғи кашнич + 1 ош қошиқ қалампир + 1 бош майдаланган сармисоқ + 3-4 лимон суви + 150-200 гр зайтун ёғи аралаштирилиб, таомларга ёки нон устига сурилиб, истеъмол қилинади (сано ўрнига шамбала қўлласса бўлади). Ич қотишига ва хазмга фойдали. Арпабодиён учинчи даражали иситувчи ва қуритувчи бўлгани

учун уни ҳар куни истеъмол қилиб бўлмайди. 1-2 хафталик курслар ҳолида ва ҳафтада 1-2 марта таомларда қўлланилади.

### Нок *Pinus communis*

Кучли антимиқробил ва сийдикни кўпайтирувчи хусусияти сабабли буйрак касалликларида қўлланилади. Ич қотишига фойда, ошқозонга қувват, юракка роҳат бериб, юрак тез уришини кетказди, қонни тозалайди, бурун оқишини кетказди, сўлак безларининг нормал ишлашини таъминлайди. Ёввойи нок боғ нокидан ҳам таъсирли бўлади.

### Арпа *Hurdeum vulgare*

Қайнатилган арпа суви сийдик пуфағи, буйрак ва сафро косаси оғриқларига, жигар, талок ва кўкрак касалликларига, бурун оқиши, хуснбузарларга, рахит, эгзема, садаф ва кичималарга фойда беради. Иссикни туширади, балғамни кўчиради, ич кетишининг олдини олади.

Уруғли (пўстлокли) арпа 3-4 соат сувга куттирилади, кейин шу сувда 1,5-2 соат қайнатилади ва сузилади. Арпа суви асал билан аралаштирилади ва она сутидан махрум қолган болага, қувватсиз қарияларга, жаррохликдан чиққанларга берилади. Юкорида саналган касалликларга ва хусусан юрак касалликларига жуда фойдали.

Арпа сомони ярим соат паст оловда қайнатилиб, ичилади ва чўмилаётганда ваннадаги сувга қўшилса, буйрак ва қовуқ тошларини туширади. Арпа ўрнига шу шаклда сули ҳам қўлланиши мумкин. Арпани майдаланиб, илиқ сув билан аралаштирилади, 2-3 дақиқа қайнатилиб, занжабил, мускат ёки долчин билан асал қўйилади. Нонушта ёки кечки овқат пайти ейиш мумкин.

Расули ақрам (с.а.в.) эланмаган арпа унидан тайёрланган нонни ер ва бунни барча пайғамбарларнинг нони бўлганини айтар эдилар. Демак арпада катта ҳикмат бор.

ОЙДИН СОЛИҲ  
“Ҳақиқий тиббиёт” китобидан  
(Давоми келгуси сонда)



“Эркин Юрт” интернет-газетаси  
Мустақил манбааларнинг  
маълумотларидан фойдаланилди.  
Масъул муҳаррир  
Қамолитдин Йўлдош